

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ
ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ БЎЙИЧА
МУТАХАССИСЛАРНИ ИЛМИЙ-МЕТОДИК ТАЪМИНЛАШ, ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ**

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Марказ директори
И.А.Турсуналиев
“___” _____ 2015 йил

**БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР СПОРТИ НАЗАРИЯСИ ВА УСЛУБИЁТИ
МОДУЛИ**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тузувчи: п.ф.д.,профессор Усмонхўжаев Т.С.

ТОШКЕНТ-2015

МУНДАРИЖА

ИШЧИ ДАСТУР.....	3
МАЪРУЗА МАТНИ	12
1-Мавзу: Болалар ва ўсмирлар спорти назарияси ва услубиёти.....	12
2-Мавзу: Ўсмир спортчиларнинг кўп йиллик машғулоти асослари.....	21
3-Мавзу: Болаларни спортга тайёрлаш. Болалар спортида юкламалар масаласи.	26
4-Мавзу: Жисмоний сифатлар воситалари.....	36
5-Мавзу: Табиатни соғломлаштириш кучлари.....	49
НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.....	58
ГЛОССАРИЙ	59

ИШЧИ ДАСТУР

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Болалар ва ўсмирлар спорти назарияси ва услубиёти” **модулининг мақсади:** тингловчиларда касбий-педагогик фаолиятини замон талабига мослаштириш учун олимпия захиралари коллежларида болалар ва ўсмирлар спортини ташкил этишнинг илмий-амалий асослари, спорт машғулотларининг асосий мазмуни, ташкиллаштириш шакллари ва хусусиятлари, ҳар хил спорт турлари учун умумий бу жараённинг энг муҳим қонуниятлари ҳақида билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат.

“Болалар ва ўсмирлар спорти назарияси ва услубиёти” **модулининг вазифалари:**

- таълим муассасаларида болалар ва ўсмирлар билан спорт машғулотларининг асосий мазмунини тушунтириш;
- болалар ва ўсмирлар билан спорт машғулотларини ташкиллаштириш шакллари ва хусусиятларини таништириш ва бу борадаги билим, кўникма ва малакасини оширишга қўмаклашиш;
- спорт турлари учун умумий муҳим қонуниятлари тўғрисида кўникма ва малакаларини такомиллаштириш;
- талабалар жисмоний тарбиясининг бош вазифалари ва асосий ҳаракатларини шакллантириш ва ривожлантириш;
- талаба ёшларни мунтаззам спорт машғулотларига жалб қилиш, жойларда спорт турларини ривожлантириш бўйича билимларини шакллантириш;
- ҳар хил ташқи шароитлар пайтида спорт техникасини такомиллаштириш бўйича кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Болалар ва ўсмирлар спорти назарияси ва услубиёти” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- болалар ва ўсмирлар спорти назарияси ва услубиятининг умумий тушунчаси ва мақсади;
- болалар ва ўсмирлар спорти назарияси ва услубияти кўпийиллик машғулот асослари ва босқичлари;

- болаларни спортга тайёрлашда жисмоний ва техник тайёргарлиги омил ва мезонларни ишлаб чиқиш;

- болалар ва ўсмирлар спорти назарияси ва услубияти амалиётида юкламаларни меъёrlаш;

-болалар ва ўсмирлар спортида мусобақалар ташкил қилиш ва ўтказиш хақида **билимларга эга бўлиши**;

Тингловчи:

- ўз касбий фаолият соҳаларида ёш спортчиларни тарбиялаш ва тайёрлаш жараёнида спорт машғулотларига онгли, шахсий, ахлоқий сифатлар тартибини билиш;

- спортчи болалар ва ўсмирларнинг спорт натижаларига эришиш учун тегишли мусобақаларда қатнаштириш;

- ёш спортчиларни жисмоний ривожланиш меъёrlарини билиш;

- табиятни соғломлаштириш, кучларидан фойдаланиш;

- болалар ва ўсмирлар спортида ёш чегараларини инобатга олиш **кўникмаларини эгаллаши**;

Тингловчи:

- болалар ва ўсмир спортчиларнинг кўпийиллик спорт машғулотларнинг режа ва ишланмаларини тайёрлаш;

- кўп йиллик спорт машғулотларнинг дастлабки ва бошлангич босқичларининг режасини тайёрлаш;

- ёшлар спорт машғулотларини чукурлаштириш ва такомиллаштириш босқичларини ишлаб чиқиш;

- спорт машғулотларида ихтисослик бўйича техник-тактик билимларни такомиллаштириш;

- меъёрий юкламалар ҳажми ва жадаллигини ҳар бир спорт унсурларига мослаб аниқлаб чиқиш **малакаларини эгаллаши**;

Тингловчи:

- болалар ва ўсмирларни спортга тайёрлашда жисмоний ва техник тайёргарлиги омил ва мезонларни амалиётда қўллаш;

- болалар ва ўсмир спортчиларнинг кўпийиллик спорт машғулотларни режалаштириш;

- ёшлар спорт машғулотларини чукурлаштириш ва такомиллаштириш босқичларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётда қўллаш;

- болалар ва ўсмирлар спортида мусобақалар ташкил қилиш **компетенцияларни эгаллаши лозим**.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Болалар ва ўсмирлар спорти назарияси ва услубиёти” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади. Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари кўлланилиши назарда тутилган:

- назарий машғулотларда замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- амалий машғулотларда компьютер технологияларидан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, лойиҳалаштириш, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа инновацион таълим технологияларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Болалар ва ўсмирлар спорти назарияси ва услубиёти” модули мазмуни ўқув режадаги “Жисмоний тарбия назарияси ва услубиёти” ва “Махсус фанларни ўқитиши методикаси (енгил атлетика, гимнастика, спорт ўйинлари, сузиш)” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг жисмоний тарбия назарияси ва услубиёти бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласи.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар болалар ва ўсмирлар спорти шакллантириш, спорт машғулотларига жалб қилиш, жойларда спорт турларини ривожлантириш, дастлабки давр тайёрловида болаларни турли ҳаракатларга ўргатиш кабилар бўйича касбий компитентликга эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Хаммаси	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат				Мустақил таълим	
			Аудитория ўқув юкламаси					
			Жумладан	Назарий	Амалий	Машғулот		
1.	Болалар ва ўсмирлар спорти назарияси ва услубиёти.	4	2	2			2	
2.	Ўсмир спортчиларнинг кўп йиллик машғулоти асослари.	4	4	2	2			
3.	Болаларни спортга тайёрлаш. Болалар спортида юкламалар масаласи.	2	2	2				
4.	Жисмоний сифатлар воситалари.	2	2	2				
5.	Табиатни соғломлаштириш кучлари.	2	2	2				
6.	Болалар ва ўсмирлар спортида ёш чегаралари.	2	2			2		
7.	Охирги 10-йиллик даврида ёш спортчиларнинг машғулот методикаси.	4	2			2	2	
Жами:		20	16	10	6	4		

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-Мавзу: Болалар ва ўсмирлар спорти назарияси ва услубиёти.

Режа:

1. Болалар ва ўсмирлар спорти назарияси ва услубиётининг вужудга келиши ўқув ва илмий фан сифатида
2. Болалар ва ўсмирлар спортининг илмий-услубий асослари.
3. Болалар ва ўсмирлар спортини ташкиллаштириш хусусиятлари

Болалар ва ўсмирлар спорти назарияси ва услубиятининг вужудга келиши. Болалар ва ўсмирлар спорти ўқув ва илмий фан сифатида. Болалар ва ўсмирлар спортини ташкиллаштириш. Болалар ва ўсмирлар спортининг илмий-услубий асослари ва ташкиллаштириш хусусиятлари.

2-Мавзу: Ўсмир спортчиларнинг кўпийиллик машғулоти асослари.

Режа:

1. Кўпийиллик спорт машғулотлари.
2. Дастребки тайёрлов босқичи, тайёрловнинг асосий вазифалари
3. Болалар ва ўсмирлар саломатлигининг ҳолати ва ривожланишига спорт билан шуғулланишининг таъсирини баҳолаш

Спорт машғулотлари. Кўпийиллик спорт машғулотлари. Тайёрлов босқичлари ва асосий вазифалари. Жисмоний машқлар техникаси. Машқлар техникасини бажаришга ўргатиш. Болалар ва ўсмирларни спорт билан шуғилланишининг саломатлигига таъсири ва уни баҳолаш.

3-Мавзу: Болаларни спортга тайёрлаш. Болалар спортида юкламалар масаласи.

Режа:

1. Ёш спортчиларни тайёрлаш тузилмасининг босқичлари, мақсадли йўналишлари ва услубий асослари.
2. Спорт машғулотини режалаштириш ва ҳисобга олиш самарадорлиги.
3. Жисмоний машқлар техникасини бажаришга ўргатиш.

Ёш спортчиларни тайёрлаш тузилмаси. Спортчиларни тайёрлаш босқичлари. Ёш спортчиларни тайёрлашнинг услубий асослари. Дастребки тайёрлов босқичи. Тайёрлов босқичининг асосий вазифалари. Спорт машғулотини режалаштириш. Спорт машғулотини ҳисобга олиш самарадорлиги. Машқлар техникасини бажаришга ўргатиш.

4-Мавзу: Жисмоний сифатлар воситалари.

Режа:

1. Болалар ва ўсмирларда жисмоний сифатларни тарбиялаш
2. Чаққонлик ва чидамлиликни тарбиялаш усулияти ва ривожлантириш методикаси
3. Тезкорлик сифати ва уни ривожлантириш усулияти
4. Эгилувчанлик ва уни ривожлантириш усулияти
5. Куч ва уни ривожлантириш усулияти

Жисмоний сифатлар воситалари. Жисмоний сифатларни тарбиялаш. Чаққонлик ва чидамлиликни тарбиялаш усулияти. Жисмоний сифатлар тезкорлик, эгилувчанлик ва кучни ривожлантириш методикаси.

5-Мавзу: Табиатни соғломлаштириш кучлари.

Режа:

1. Болалар ва ўсмирлар организми ривожланишида қуёш нурларининг таъсири
2. Машғулотлар даврида очик ҳавода жисмоний тайёргарликлар орқали организмни атроф мухитга мослашуви. Организмни кислородга тўйинтириш.
3. Сув – ҳаёт манбаи.

Болалар ва ўсмирлар организми ривожланишида табиатни соғломлаштириш кучлари таъсири. Очик ҳавода жисмоний тайёргарликлар орқали организмни атроф мухитга мослашуви. Организмни кислородга тўйинтириш. Сув – ҳаёт манбаи.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-Мавзу: Ўсмир спортчиларнинг кўпийиллик машғулоти асослари.

Режа:

1. Спорт тренировкасини ҳисобга олишнинг самарадорлиги.
2. Саралаш ва спортга мўлжаллаш.
3. Спорт таълим муассасаларида саралаш тизимининг ташкилий асослари.
4. Спортчиларни саралаш тизими.
5. Спорт машғулотларида назорат.

Ўсмир спортчиларда спорт тренировкасини ҳисобга олиш самарадорлиги. Ўсмирларни спортга саралаш ва мўлжаллаш. Саралаш тизимининг ташкилий асослари. Спорт машғулотларида назорат.

2-Мавзу: Болалар ва ўсмирлар спортида ёш чегаралари.

Режа:

1. Болалар ва ўсмирларнинг спортга яроқлилигини аниқлаш тизимининг асослари
2. Спортга яроқлилигини аниқлашнинг даврлари ва босқичлари
3. Спортчиларнинг соматик ривожланиши хусусиятлари.
4. Алоҳида спорт турларида машғулотлар хусусиятлари
5. Максимал натижалар. Мусобақа даврлари.

Спортда ёш чегаралари. Болаларни спортта яроқлилигини аниклаш тизимининг асослари. Спортта яроқлилигини аниклашнинг даврлари. Спортта яроқлилигини аниклашнинг босқичлари. Ўсмир спортчиларнинг соматик ривожланиши. Алоҳида спорт турларида машғулотлар хусусиятлари. Максимал натижалар. Мусобақа даврлари.

3-Мавзу: Охирги 10-йиллик даврида ёш спортчиларнинг машғулот методикаси.

Режа:

1. Ўсмирлар спортининг ташкилий методик асослари
2. Болалар ва ўсмирлар спортида жисмоний юкламаларни тақсимлаш меъёрлари
3. Болалар спортида танланган воситалардан фойдаланиш.
4. Спортчини тайёрлаш тизимининг самарадорлигини аниклаш.
5. Болалар спортида танланган воситалардан фойдаланиш.

Ёш спортчиларнинг машғулот методикаси. Спортининг ташкилий методик асослари. Болалар ва ўсмирлар спортида жисмоний юкламаларни тақсимлаш. Жисмоний юкламаларни тақсимлаш меъёрлари.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ

Мустақил ишни ташкил этишининг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини хисобга олган ҳолда қуидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўкув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
 - тарқатма материаллар бўйича маъruzalар қисмини ўзлаштириш;
 - маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонуни // Халқ сўзи, 2000 йил 28 июнь.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. 1997 йил 29 август.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сон Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 октябрдаги “Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида”ги Фармони.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг хуқуқий-меъёрий хужжатлари

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.

IV. Дарсликлар, ўкув қўлланмалар

1. Усмонходжаев Т.С. ва бошқалар. “Болалар ва ўсмиirlар спорти машғулотлари назарияси ва услубиятлари”. Т.-Илм-зиё., 2006 йил.

2. Филин В.П. Воспитание физических качеств у юных спортсменов. М., Фис, 1974.

3. Юнусов Т.Т., Абдумаликов Р. Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни бошқаришни ташкил этиш йўллари. Т, ЎзДЖТИ, 1992 й.

4. Определение физической подготовленности школьников. Под. ред. Б.В. Сермеева. М., «Педагогика», 1973 г

5. Филин В.П., Фомин Н.А. Основы юношеского спорта. М. ФиС, 1980 г.

6. Харре Д. (ред). Учение о тренировке. М. ФиС, 1971 г.

7. Ярашев К.Д. Жисмоний тарбия ва спортни бошқариш. Дарслик-Т., Ибн Сино, 2002. –224 б.

Календар режа

№	Мавзулар	Машғулот тури	Соати	Ўтказилиш муддати
1.	Болалар ва ўсмирлар спорти назарияси ва услубиёти.	Назарий	2	Тўртинчи ҳафтаси
2.	Ўсмир спортчиларнинг кўп йиллик машғулоти асослари.	Назарий	2	Тўртинчи ҳафтаси
3.	Болаларни спортга тайёрлаш. Болалар спортида юкламалар масаласи.	Назарий	2	Тўртинчи ҳафтаси
4.	Жисмоний сифатлар воситалари.	Назарий	2	Тўртинчи ҳафтаси
5.	Табиатни соғломлаштириш кучлари.	Назарий	2	Бешинчи ҳафтаси
6.	Болалар ва ўсмирлар спортида ёш чегаралари.	Амалий	2	Бешинчи ҳафтаси
7.	Охирги 10-йиллик даврида ёш спортчиларнинг машғулот методикаси.	Амалий	2	Олтинчи ҳафтаси

МАЪРУЗА МАТНИ

1-Мавзу: Болалар ва ўсмирлар спорти назарияси ва услубиёти.

Режа:

1. Болалар ва ўсмирлар спорти назарияси ва услубиятининг вужудга келиши ўқув ва илмий фан сифатида
2. Болалар ва ўсмирлар спортиниң илмий-услубий асослари.
3. Болалар ва ўсмирлар спортини ташкиллаштириш хусусиятлари

1. Болалар ва ўсмирлар спорти назарияси ва услубиятининг вужудга келиши ўқув ва илмий фан сифатида.

Мактаб ёшидаги болалар билан спорт машғулотлари жараёнида қуйидаги вазифалар хал этилади: Ўқувчилар соғлигини мустахкамлаш, уларни ҳар томонлама ривожлантириш бинобаринда жисмоний камолатга етказиш.

Ҳаракат кўникма ва малакасини шакллантириш, турмушда, меҳнат фаолиятида ва қундалик хаётда зарур бўлган жисмоний сифатларни ривожлантириш, миллий истиқлол ғоясини шакллантириш, ватанпарварлик ва байналминалчилик руҳида тарбиялаш; мамлакат терма жамоаси, спорт мактаблари, клублари учун захиралар тайёрлаш. Умумтаълим мактаблари ўқув-спорт ташкилотларининг фаолияти бу вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган. Мустақилликдан олдинги даврида болалар ва ёшларни жисмоний тарбиялаш соҳасида кўзга кўринарли ишлар амалга ошган эди.

Бунга кўп жиҳатдан ўша даврда қабул қилинган фармонлар ва қарорлар муҳим рол ўйнади. Бу эса ўз навбатида Ўзбекистон шароитидаги ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий тараққиётнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. Натижада 1930 йиллардан бошлаб спорт турлари бўйича маҳсус спорт мактаблари, спорт интернатлари ташкил қилинди. Мазкур спорт мактабларнинг узоқ иш тажрибалари, бу йўналишда олиб борилган қатор тадқиқот ишлари ўзининг ижобий самарасини бера бошлади, яъни у бир неча бор қайта ишланди ва маълум маънода мукаммаллашди ҳамда ўзининг келажак истиқболларини яратди. Натижада спорт турлари бўйича ишлаб чиқилган Низомлар ҳозирги мустақиллик шароитларида ҳам ўз кучини ва мазмун-моҳиятини йўқотган эмас, аксинча улар спорт мактаблари фаолиятида тўлақонли ўрин топган.

7. Болалар, ўсмирлар, ўспиринлар ва қизлар спорт тайёргарлик тизимини такомиллаштириш илмий тадқиқоти катта рол ўйнади. Илмий тадқиқот институти бўлимида (Уз РРФИТИ), Ўзбекистон ДЖТИ, университетлар ва педагогика институтлари жисмоний маданият факултетларида, олий ўқув юртлари жисмоний тарбия ва спорт

кафедраларида болалар-ўсмирлар спорти назарияси ва амалиёти учун кимматли бўлган кўплаб тадқиқот ишлари бажарилган.

8. Ушбу тадқиқот материаллар асосида янги ўкув ва илмий фан ишлари йиллик жисмоний тарбия назарияси ва методикаси асосий мазмуни тўғрисидаги билимлар йғиндисидир, ҳар хил спорт турлари учун умумий бўлган мазкур педагогик жараённинг энг муҳим қонуниятлари тўғрисида.

9. Ўсмирлар спортининг педагогик ва тиббий-биологик асослари Р.Ф Лесгафт, Н.А. Семашко, В.В. Гориневский, уларнинг сафдошлари ва издошлари томонидан қўйлган. Болалар ва ўсмирлар спорти муаммоларини ишлаб чиқиш айниқса ўзи издошлари билан йирик хисса қўшганлар А.Д.Новиков, А.Н. Крестовников, И.М.Яблоновский, В.В. Велинович, Р.Е.Мотилянская, Л.Р. Матвеев, В.Г.Яковлев, Н.Г. Озолин, А.А.Маркосян, В.С. Фарфел, М.Я. Набатникова, Н.В.Зимкин, А.В.Ганделсман, К.М.Смирнов, А.В.Коробков, С.И.Галперин, В.Р.Филин, З.И.Кузнетсова, В.И.Лях ва бошқа олимлар. Уларнинг ишларида спортнинг ёш авлодни тарбиялашдаги катта роли кўрсатилган, болалар, ва ўсмирлар, ўспириналар ва қизлар спорт тайёргарлигининг воситалари, методлари ва шакллари асослаб берилган.

Болалар ва ўсмирлар спорти соҳасида ишлаётган мутахассислар учун ўсмирлар спорти муаммолари бўйича 1962 йилда ўтказилган 1-илмий конференция йирик воқеа ҳисобланади. Етакчи олимларнинг маъruzаларида педагогик ва тиббий-биологик тадқиқотлар маълумотларда ёш спортчилар машғулотининг ҳар хил қирралари қараб чиқилган эди, келажакда мактаб ёшидаги болалар спорт тайёргарлиги тизимини такомиллаштириш йўллари белгиланади.

Ўсмирлар спорти бўйича муаммолар 2-илмий конференция 1968 йилда бўлиб ўтди. Конференция бориши давомида ёш спортчиларни тайёрлаш тизимининг муҳим масалалари муҳокама қилинди: спортчиларнинг кўпийиллик тренировкасини рационал қуриш, жисмоний сифатларни ривожлантириш динамикаси ва спорт-техник маҳоратнинг вужудга келиши, саралаш ва спорт ориентацияси, ёш спортчилар билан тарбиявий ишлар методикаси.

Ўсмирлар спорти муаммолари бўйича 3-илмий конференция 1973 йилда ўтказилди. Олимлар спортчиларни кўпийиллик тайёрлаш жараёнида спорт машғулотининг воситалари, методлари ва шаклларини асослашга йўналтирилган натижаларини тақдим этдилар. Машғулот ва мусобақа юкламаларини мъёrlаш принциплари ишлаб чиқилди, спорт мактабларига болалар ва ўсмирларни саралаш мезонлари аниqlанди ҳамда асосланди.

Ўсмирлар спорти илмий асосларини келажақда такомиллаштириш учун “Спорт замонавий жамиятда” бутунжахон илмий конгресси мұхим аҳамияттаға эга бўлди (Москва, 1974 йил). “Ўсмирлар спорти» секцияси ишида 30 дан ортиқ маъruzалар Россия, Германия, Велгия, Волгария, Англия, Канада ва бошқа давлатлардан тақдим қилинди.

Конгресс қатнашчилари шахсни шакллантиришда ўспиринлар спортининг мұхим омил сифатида ўсиб бораётган роли, миллий терма жамоалари спорт захираларини тайёрлаш ва тренировкаси ҳақида кенг мұхокама юритдилар.

Мутахассислар тадқиқотлари болалар-ўсмирлар спорти назарияси ва методикасининг мұхим масалаларини ижодий англаш ва илмий асослаб ишлаб чиқиш имконини берди. Замонавий босқичда бу ўқув ва илм-фан шиддатли темпда ривожланмоқда, доимо янги маълумотлар билан түлдирилмоқда, янада кўпроқ амалий аҳамият касб этмоқда. Шу билан бир қаторда ўсиб келаётган авлоднинг спорт тайёргарлиги тўғрисидаги фан олдига янада маъсулиятли вазифалар кўйилмоқда, қайсики улардан энг асосийси - спорт захиралари тайёрлаш тизимида унинг барча ёш бўғинларида ташкилий методик асосларини мукамаллаштириш; минглаб ёш спортчилар, спорт мактаблари ва жисмоний маданият секцияларида шугулланувчилари учун янги, энг самарали воситалар, методлар ва тайёрлашнинг ташкилий шаклларини ишлаб чиқиши.

2. Болалар ва ўсмирлар спортининг илмий-услубий асослари.

Спорт мусобақалари – ўқув-машғулот жараёнининг мұхим таркибий қисмидир. Улар таъсир кўрсатадилар:

- миллий истиқлол ғоясини жисмоний тарбия ва спорт орқали сингдириш ва тарбиялаш;
- саломатликни мустаҳкамлаш, чиниқтириш, ўсиб келаётган организм функциясини такомиллаштириш, ҳаётий мұхим малака ва жисмоний сифатларни тараққий қилдириш;
- ўқувчилар ва ёшларни мунтаззам спорт машғулотлариға жалб қилиш, умумтаълим мактабларида, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар тизимида ва маҳаллаларда алоҳида спорт турларини кенг ривожлантириш;
- спорт машғулотлариға, ёш спортчиларнинг ютуқларининг устига кизиқиши уйғотиши;
- оммавий спортнинг ривожланиши ва мактаб жисмоний маданият жамоаси ўқув-тренировка машғулотлари ҳамда мамлакатдаги бошқа жисмоний маданият ташкилотлари натижалари, болалар, ўсмирлар, ўспиринлари ва қизлар билан иш олиб борадиганларни умумлаштириб якунлаш;

- спортни ташвиқот қилиш ва оммалаштириш.

Мусобақа мұваффақиятли ўтиши учун улар күйидаги педагогик талабларга жавоб беріши зарур: ўқув-тренировка жараёнининг якуни бўлиши, спорт мактаби (секцияси) тадбирлар режасига кириши ва белгиланган дастур бўйича ўтказилиши, қайсики олдиндан иштирокчиларга маълумот бериш.

Барча спорт турлари бўйича мусобақалар ягона қоидага биноан ўтказилади, спорт мактаби (секция) ўқув-тренировка ишлари дастури асосида ва барча қатнашчилар учун мажбурий бўлган. Мусобақага малакали ҳакамлар ва тиббиёт ходимлари хизмат қиласиди.

Спортчиларнинг ёши ва тайёргарлигига мос равища мусобақа дастури ва юклама мъёри ишлаб чиқлади.

Ёш спортчиларнинг мусобақаларини белгиловчи ҳужжат “Болалар ва ўсмирлар ёшидаги спортчилар учун спорт турлари бўйича мусобақа юкламалари мъёрлари ва мусобақани ўтказиш шарти” ҳисобланади. Юклама мъёрида мусобақа дастури ва мураккаблик даражаси белгиланган, уларнинг микдори, ҳарактери, қўлами, уларга тайёргарлик муддати ва тиклаш даврининг давомийлиги.

Спорт машғулоти бошланғич босқичида мусобақада қатнашиш учун болаларни тайёрлаш давомийлиги (биринчи ёш гурухи) камида бир йил бўлиши керак. Спорт машғулотларида танаффус холати бўлса, ҳар бир ёш гурухидаги спорт формасини тиклаш учун 10-15 мартадан кам бўлмаган машғулотларини назарда тутиш зарур.

Болаларнинг юкламани бажариши пайтида қаътий мунтаззам тиббий назорат олиб борилади. Намуна учун Юнон-рум ва еркин курашдан мусобақа ўтказиш бўйича методик тавсияномани қараб чиқамиз.

(1.3.1-жадвал).

Белгиланган ёш гурухларига спорт мусобақасининг ўз даврлари мос келади. 9-10 ёшли болаларини мактаб мусобақаларига, 11-12 ёшлилар – туман ва шаҳар мусобақаларига, 13-14 ёшлар – вилоят микёсидаги мусобақаларга қўйилади. 15-16 ёшли ўсмирлар ва қизларга – республика микёсидаги мусобақаларида иштирок етишга руҳсат берилади.

Ёш спортчилар учун мусобақанинг оптималь микдорини аниқлаш муҳим аҳамият касб етади. Шундай спорт турларида, мусобақада қатнашиш узоқ давом этмайдиган ва ундан сўнг ёш спортчилар ўз кучларини тез тиклай оладиган мусобақани тез-тез ўтказиш тавсия қилинади. Узоқ вақт давомида катта зўриқиши, чидамликнинг намоён бўлишини талаб қиласидиган спорт турлари мусобақаларини камроқ ўтказиш зарур.

Ёш спортчилар умумжисмоний тайёргарлик ва кўпкураш бўйича мусобақаларда мунтаззам қатнашишлари лозим. Бундай мусобақалар дарсларда, жисмоний маданият жамоалари секцияларида, шунингдек туманда ёки мазкур мактаб жойлашган жойда ўтказилади. Мусобақалар сони ёш спортчиларнинг индивидуал хусусиятларига боғлик. Техник тайёргарлиги етарлича бўлмаган, организмнинг узоқ даврда тикланиши, асаб

қўзғалишининг кўтарилганлиги пайтида ёш спортчи мусобақаларда кам қатнашиши зарур. Ва аксинча, аъло техник тайёргарлик, тез тикланиш, асаб тизимининг бир текислиги пайтида ёш спортчи мусобақада тез-тез қатнашиши мумкин.

Тайёргарлик даврида ёш спортчилар албатта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган синов мусобақаларида қатнашадилар, негаки бунинг учун маҳсус тайёргарлик талаб қилинмайди. Тайёргарлик даврида мусобақа дастурига ёш спортчиларнинг умумий ва маҳсус тайёргарлигини ошириш учун машқлар киритилади.

Мусобақа даврида машқ қилганликни ошириш учун мусобақа, назорат чамалаб қўриш ва катта юклама билан тренировка машғулотлари ўтказиш мухим рол ўйнайди. Мусобақа даврининг иккинчи босқичида катта ҳажмдаги тренировка машқлари берилмаслиги лозим. Юклама ҳажмини аста-секин тушириш даркор, жадаллик эса оширилади.

Ёш спортчиларнинг одатий мусобақаларда қатнашиши тренировкани режалаштиришда алоҳида ўзгаришларни талаб этмайди. Фақат тренировка юкламаси ҳажмини бир мунча тушириш керак ва бир вақтда мусобақа олдида охирги ҳафтада унинг жадаллиги оширилади. Ундан ташқари, 1-2 кун дам олиш арафасида чигил ёзиш тавсия қилинади. Маъсулиятли мусобақага тайёргарлик ниҳоятда пухта бўлиши лозим. Унга камида 3-4 ҳафта қолганда назорат қилиб қўриш ўтказилади, чунки шу вақтда мусобақа ўтказилади.

Мусобақа куни ёш спортчи ўзи учун энг яхши натижа кўрсатиши учун, тренировка режасига мусобақа цикли киритилади.

Мусобақага 24 соат қолганда чигил ёзишни бажариш (ўшанинг ўзи, тренировка машғулоти олдидан бўладиган) тавсия қилинади. Чигил ёзишда хаддан ташқари зўриқмаслик даркор. Бундай чигил ёзиш ёш спортчи иш қобилиятининг ошишига таъсир кўрсатади.

3. Болалар ва ўсмирлар спортини ташкиллаштириш хусусиятлари

Мамлакатимизда ҳар хил ўкув муассасаларида оммавий миқёсда спорт-оммавий ишлари ўтказилади. Умумтаълим мактабларида у педагогик жамоа, ота-оналар, ҳомий ташкилотлар билан, ўқувчилар жисмоний маданият фаоллари, касаба уюшмаси, ўқувчилар қўмитаси ва “Камолот”ижтимоий-ҳаракати ёшлар қўмитасига таянган ҳолда амалга оширилади. Синфдан ташқари ишларни ташкиллаштиришнинг асосий шакли жисмоний маданият жамоаси ҳисобланади қайсики ўз фаолиятини мактаб жисмоний маданият жамоаси (спорт клуб) тўғрисидаги низомга амалга оширади.

Жамоа аъзоларининг фаолият соҳаси - спорт секциялари ва умумжисмоний тайёргарлик секцияларидаги машғулотлар. Бу машғулотларнинг мақсадларидан бири – мактаб директори томонидан тасдиқланган мусобақалари режа асосида тайёрлашдан иборатdir.

Мусобақада қатнашишга биринчи синфдан бошлаб ўқувчилар жалб қилинади. Мусобақа дастурлари ўкув материалларига яқинлаштирилган, жисмоний тарбия дарсларида ўрганиладиган. Мусобақа синф ичидаги,

параллел синфлар орасида, мактаб биринчилигига синф жамоалари ўртасида ўтказилади.

Мактаб жисмоний маданият жамоасининг муҳим иш бўлимларидан бири тарғибот-ташвиқот фаолияти ҳисобланади, қайсики ўзига “Алпомиш” ва «Барчиной» маҳсус тестларини кенг тушунтириш ва тарғибот қилишни, деворий матбуотда жисмоний маданият ва спорт масалаларини ёритиши, оммавий кўргазмали чиқишиларни киритади. Мактаб жисмоний маданият жамоаси (спорт клуб) доимо ёш инструкторлар ва спорт бўйича ҳакамлар тайёрлаш бўйича ҳаракатдаги семинарлар ташкил қиласиди.

Мактаб ёшидаги болаларнинг мактабдан ташқари жисмоний тарбияси халқ таълими органлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, касаба уюшмаси ва спорт ташкилотларининг бирлаштирилган кучлари, кенг жамотчилик вакилларини жалб қилиш билан ташкиллаштирилади. Бу ишларни ташкиллаштириш қуйидаги асосий ҳолатларда амалга оширилади.

1. Жисмоний тарбия тизимининг мақсади, вазифалари ва принципларига мослиги; “Алпомиш” ва “Барчиной” маҳсус тест меъёрларини топширишга тайёрлашни ташкиллаштириш; Ягона спорт классификатцияси ўсмирлар нормативини топширишга тайёрлашни ташкил қилиш.

2. Муассасалар, идоралар, ташкилотлар, жамоатчилик ва оила билан мустаҳкам алоқани сақлаш.

Мактаб жисмоний тарбия тизимининг узвийлиги мактабда жисмоний маданият ва спорт соҳасида ўқувчиларда билим, кўникума ва малакаларининг ҳар тарафлами мустаҳкамланиши, чукурлаштирилиши ва кенгашшга ёрдамлашиш, соғлом дам олиш ва кўнгил очишни ташкиллаштириш.

Ишларнинг ранг-баранг ташкиллаштириш шаклларидан фойдаланиш.

5. Болалар, ўсмирлар, ўспириналар ва қизларнинг онгли ташаббусига, фаол қизиқишига таяниш.

Жисмоний тарбия бўйича мактабдан ташқари ишларни спорт мактаблари, кўнгилли спорт жамиятлари тизимида, халқ таълим органида, жисмоний тарбия ва спорт бўйича қўмиталар, ўқувчилар Уйлари ва Саройлари, йирик спорт туристик базалар, дам олиш ва истироҳат боғларида, шунингдек бошқа муассаса ва ташкилотларда жамоатчи фаол бадан тарбиячилар ва ишлаётган ҳодимлар амалга оширади.

Мамлакатимизда болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ва Олимпия захиралари коллежалари Маданият ва спорт ишлари Вазирлиги, жамиятлар ва Халқ таълими вазирлиги тизимида ташкил қилинади.

Ихтисослашган Олимпия захиралари БЎСМ амалдаги спорт мактаблари базаларида яратилади, малакали, спортчилар тайёрлаш бўйича юқори даражасига эришган ва спорт базаси, малакали мураббий- ўқитувчилар билан таъминланган. Ихтисослашган Олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари олдига аниқ мақсад қўйилади - мамлакат, КСЖ ва идоралар терма жамоалари учун юқори разрядли спортчилар тайёрлаш, яъни улар фаолияти асосий кўрсатгичи даражаси ҳисобланади.

Олимпия захиралари коллекларида спорт турлари бўйича мамлакат терма жамоаларига номзодлар ва аъзолар, халқаро классдаги усталари ва спорт усталари тайёргарлигини олиб боради.

Спорт мактаблари Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Халқ таълими Вазирлиги, Республика жисмоний тарбия ва спорт ишлари вазирлиги томонидан тасдиқланган намунавий низом асосида фаолият кўрсатади.

Спорт коллеклари ва мактабларида қуйидаги вазифаларни ҳал қилишга қаратилган:

- ҳар томонлама ривожланган юқори малакали ёш спортчиларни тайёрлайди, уларнинг саломатликларини мустаҳкамлайди ва ҳар томонлама жисмоний тараққиётини таъминлайди;

- шуғулланувчилардан жамоатчи-инструкторлар ва спорт ҳакамларини тайёрлашни олиб боради;

- умумтаълим мактабларига синфдан ташқари оммавий-спорт ишларини ташкил қилишда ёрдам кўрсатиши ва услугубий марказ бўлиши.

* Спорт коллежи ва мактаблари спортга энг қобилиятли бўлган умумтаълим мактаблари ўқувчилари, академик лицейлар ва коллежлар, мактаб интернатлар, ишлаб чиқаришда ишлаётган ёшлардан олинади. Спорт мактабига кираётганларнинг ёши 1.2.1- жадвалда келтирилган талабга мос келиши керак.

1.2.1- жадвал

Болалар-ўсмирлар спорт мактабларига кирувчилар ёши

Спорт турлари	Ёши (юл)	Спорт турлари	Ёши (юл)
Акробатика (Ўзбек жанг санъати)	8-9	Чанғи спорти (биатлон)	9-11
Вокс	12-14	Чанғи спорти (трамплиндан сакраш)	9-10
Юон-рум, эркин, самбо	10-12	Енгил атлетика	11-12
Волейбол, баскетбол	10-12	Сузиш	7-9
Сув полоси	10-12	Теннис ва стол тениси	9-10
Велосипед спорти	12-13	Бадминтон	10-12
Гимнастика (бадиий)	7-8	Елканли спорт	9-11
Гимнастика (спорт) Угиллар Қизлар	8-9 7-8	Сувга сакраш Қўл тўпи От спорти	8-10 10-12 11-13
Байдарка ва каноеда ешкак ешиш	11-13	Футбол	10-11
Академик ешкак ешиш	10-11	Конки фигурали учиш	7-9
От спорти	11-12	Қиличбозлик	10-12
Конкида уугуриш спорти	10-11	Оғир атлетика	13-14
Чанғи спорти (поуга)	9-11	Шохмот ва шашка	9-12
Чанғи спорти (тоғ турлари)	8-10	Тўпли ва шайбали хоккеу	10-11

Спорт мактаблари бўлимлари бошланғич тайёргарлик ва ўқув-машғулот гурухларидан ташкил топади. Юқори спорт ишлари кўрсатгичлари пайтида ва спорт мактабда зарурый шароитлар мавжуд бўлса спорт маҳорати гурухи тузилиши мумкин.

Гурухдаги ўқувчилар сони, ҳафтадаги машғулотлар миқдори ва уларнинг давомийлиги спорт тури ва спортчи маҳоратига боғлиқ. Спорт мактабларида ўқув-тарбиявий ишлар спорт турлари бўйича дастур асосида борилади. Спорт мактаблари ишларининг асосий шакллари гурух машғулотлари, сухбатлар, индивидуал режа бўйича тренировка машғулотлари, уй топшириқлари, спорт баҳслари иштирок этиш ҳисобланади, шунингдек умумтаълим мактаблари ва маҳаллаларда спорт машғулотлари ва мусобақаларини ташкил килиш ва ўтказишга ёрдамлашиш.

Мазкур ўқув гурухи учун дастурда ўрнатилган талабларни бажара олмаган ўқувчилар, ўқув йили тугашига БўСМдан четлатилишлари мумкин.

Спорт мактабларида ўтказиладиган ўқув ишлари фақат мураббий ва умумтаълим мактаблари ва шуғулланувчиларнинг ота-оналари билан мустахкам алоқаси мавжудлигига мумкин. Бу алоқалар шахсий мулоқотлар, ота-оналар йиғилиши, мураббийлар ва жисмоний тарбия ўқитувчиларининг ҳамкорликдаги педагогик кенгашларида, спорт мактаблари машғулотлари учун болалар ва ўсмирларни танлаш бўйича биргаликда тадбирлар йўли билан амалга оширилади.

Спорт мактабларидаги ишларда умумий йиллик режани, бўлим ўқув режаси, ўқув гурухи мавзуу иш режаси, ҳар бир машғулот режасини бажаришни қўзда тутади. Ишлар умумий режаси мактаб ҳаётининг барча томонини қамраб олади: бўлимлар ва гурухлардаги тарбиявий, услубий, ўқув, тиббий назорат, хўжалик фаолияти, умумтаълим мактабларига ёрдам ва х.к.

Спорт мактаблари ва КСЖ шуъбалари ҳамда идоралардаги ишлар «Алпомиш» ва «Барчиной» маҳсус тестларига асосан қурилиши керак.

Спорт мактаблари ва секцияларида ёш авлодни жисмоний тарбиялашнинг энг муҳим вазифаларидан бири ана шундан иборат. «Алпомиш» ва «Барчиной» маҳсус тестлар комплекси уч босқичдан иборат: аҳолининг 6 ёшдан 60 ёшгacha бўлган аҳолини қамраб олади ва жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари билан мунтаззам шуғулланишга жалб қиласди, шу билан мамлакат аҳолисини соғломлаштириш ва жисмоний тарбиялашнинг энг таъсирчан воситаси сифатида намоён бўлади.

“Алпомиш” ва «Барчиной» маҳсус тестлар комплекси ягона спорт классификатсияси билан мустахкам алоқада. Бу дастур-меъёрий хужжатда ҳар хил ёш гурухдаги спортчилар амал қилишлари керак бўлган принциплар, спорт разрядлари ва унвонларини бериш қоидалари ва тартиблари, меъёрлар ва талаблар берилган.

АДАБИЁТЛАР

1. Усмонходжаев Т.С. ва бошқалар. “Болалар ва ўсмирлар спорти машғулотлари назарияси ва услубиятлари”. Т.-Илм-зиё., 2006 йил.
2. Юнусов Т.Т., Абдумаликов Р. Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни бошқаришни ташкил этиш йўллари. Т, ЎзДЖТИ, 1992 й.
3. Ярашев К.Д. Жисмоний тарбия ва спортни бошқариш. Дарслик-Т., Ибн Сино, 2002. –224 б.

2-Мавзу: Ўсмир спортчиларнинг кўп йиллик машғулоти асослари.

Режа:

- 1.Дастлабки тайёрлов босқич тайёрловнинг асосий вазифалари
- 2.Жисмоний машқлар техникасини бажаришга ўргатиш
3. Жисмоний сифатларни тарбиялашни ривожлантириш

1. Дастлабки тайёрлов босқич тайёрловнинг асосий вазифалари

Кўп йиллик спорт тайёрлов жараённинг дастлабки босқичи мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидан бошланади. Шу ёшдаги даврда организмида жадалли ривожланиш бўлиб ҳаракат координацияси яхшиланади, турлича ва аниқликка эга бўлиб равон ва ҳар томонлама ўсади. Болалар ўз ҳаракатларини меъёрий ўзлаштиришга ва ишлатишга ўрганадилар. Ҳаракатларнинг белгиланган ритмда бажаришга кўникади ножўя ҳаракатларни қилмасликка ўринадилар.

Мактабгача ёшидаги болаларнинг жисмоний тарбиясининг бош вазифалари асосий ҳаракатларнинг шакллантириш ва ривожлантириш (юриш, югуриш, сакраш, буюмларни улоқтириш, илиб олиш, тирмашиб чиқиши ва х.к.): умумий ривожлантирувчи ва айрим сафланиш машқларни шакиллантириш роликли конкида, велосипед, самакатларда учиш, сузиш, шунингдек ўйнаш элементлар кўникмаларига ўргатиш. Шулар қаторида жисмоний сифатлар (тезлик, чаққонлик, абжирлик, куч ва бошқ.). Энг муҳими, аҳамиятлиси тўғри қадди-қоматни шакллантириш.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар (I - IV синфлар) қуйидаги масалаларни ечадилар.

1. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида мувофиқ билимларни ўзлаштириш, спорт турлари унсурлари тўпни узатиш, ташлаш, улоқтириш, арқонга тирмашиб чиқиши, гимнастик машқларни (мусиқа садосида) ҳаракатли ўйинларни ўзлаштириш,

2. Ҳаётни зарур бўлган асосий кўникма ва малакаларни шакллантириш, мактабгача таълим даврида ўзлаштирилган кўникма ва малакаларни пухталаш ҳамда уларни такомиллаштириш, гимнастика машқларни мактабини асосида ҳамда бошқа спорт турларининг муносиб машқларини ўзлаштириш.

3.Ўсиб келаётган организмни ҳар тамонлама уйғунлаштириб шакллантириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмоний сифатларини ривожлантириш борасида координатцион қобилиятига эътибор ажратиш ва умумий чидамлигини ошириш.

2.Жисмоний машқлар техникасини бажаришга ўргатиш.

Дастлабки давр тайёрловида болаларни турли ҳаракатларга ўргатиш энг юқори даражага чиқиши аниқланган кўпгина тадқиқотларда қўрсатилгандек, болаларнинг ҳаракатларни ўзлаштириш хотираси ёшига биноан ўзгариши

нафақат сон нүктаи назардан, балки сифат кўрсатгичлари билан ҳам ўзгариб бориш аниқланган.

Ҳаракатларни эслаб қолиш қобилияти болаларда 7 дан 12 ёшгача тез ривожланиши содир бўлар экан, 13 ёшдан шу қобилиятнинг пасайиши кузатилган ҳаракатларни болаларга оддий бевосита кўрсатилса ва тушинтирилса ўзлаштириши осон кечилар экан. Янги ҳаракатларни болалар бир неча марта қайтаришда ўрганиб оладилар. Бу ёшдаги болаларда спорт турлари ҳаракатларига қизиқиши катта, уларнинг ўрганиши яхши тайёрланиши ва ютуқларга эришиши доимий интилишлар мавжуд.

Жисмоний машқларга ўргатиш уларнинг рухий ва жисмоний ривожланишига катта ёрдам бериб тарбиявий аҳамияти кенгdir. Ўргатишнинг амалга оширилиши умумий методик асосида бўлади. Методлардан фойдаланишда кўргазма услублар (машқларни кўрсатиш, кўргазмали қуроллар, қўлланмалар, имитация тақлидли ўқитувчининг ёрдами), сўз услубидан фойдаланган (тушинтириш, кўрсатма бериш, буюришлар, сухбат, сўров ва бошқалар) машқлар, ўйинлар ва мусобақалашув методларидан унумли фойдаланишлар.

Янги ҳаракатлар вазифаларини тушинтиришда болаларнинг нималарни билиши ва қандай қилиб машқларни бажариш кераклигини билиши мақсадга мувофиқ томони шундаки, болалар ўзлари машқ унсурларини кўрсата билсин ёки айтиб тушунтиrsин.

Ҳаракат вазифаси аниқ қўйлиши шарт иложи бўлса кўрсатма натижаси билан ушлаб олиш, етиб олиш, турникка чўзилиб тирмашиб чиқиш ва х.к. Қандай бўлмасин машқни тўлиқ ўргатиш методидан фойдаланиш керак.

Ўқувчиларнинг ёши қанчалик кичик бўлса шунчалик уларнинг тажрибаси кам, бинобарин ҳаракат кўнималари жуда ожиз, шундай экан ўргатишида кўприк кўргазмали услубдан фойдаланиш, таъминлаш зарур. Кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари кузатувчанлик қобилияти кучли бўлиб, яна уларда предметли, жонли-тасвир қилиш фикрлаш қобилиятлари жуда ривожланган бўлади. Уларнинг фикр юритиши, феъли тақлид қилишга мойил бўлади.

Ўсмир болаларнинг фикрлаш қобилияти жуда танқидли ва ноаниқ тарзда кечади, сезгирлик, зехн, идрок ила тассаввур қиласидар.

Спорт техникаси унсурларини кичик мактаб ёшидаги болаларга ўргатишида энг катта рол ўйнайдиган масала бу тақлид шаклида кўргазмали чиқиш, чунки ўқувчиларнинг қўриш сезгирлиги жуда кенг имкониятлардан иборат. Янги ҳаракатни ўқувчилар тезроқ эслаб қолиш учун тренер ҳозирги пайтда кино лавхалар, дисклардан кенг фойдаланадилар.

3.Жисмоний сифатларни тарбиялашни ривожлантириш.

7-11 ёшли болаларда ҳаракат тезлигини ривожлантириш айниқса югуриш жадаллиги ва шиддатини ошириш 12-15 ёшлиларга нисбатан қулай имкониятларга эга. Бунга сабаб болаларни табий равишда тезлигини ривожланиши, 12-15 ёшда эса югуриш тезлигини ўсиши мускул кучини ривожланиши туфайли куч тезлигини ўсиши, сифати ошган.

Спорт машғулотларини 8-11 ёшдаги болалар билан мақсадга мувофиқ күпроқ тренировканинг шундай воситаларидан, яъни ҳаракатнинг жадаллиги ва тезлигини оширадиган бўлиши керак. 12-15 ёшли болаларда тезлик-кучи ва мускул кучини оширувчи воситалардан фойдаланиш тавсия этилади.

Дастлабки тайёрлов даврида тезлик сифатини ошириш учун самарали воситалардан бири ҳаракатли ва спорт ўйинларидан осонлаштирилган қоидалари бўйича фойдаланиш тавсия берилади; қисқа масофаларга югуриш; эстафеталар; сакрашлар; гимнастик ва акробатик машқлар, тезликни ривожлантиришнинг асосий услуги комплекс услуги, яъни услугбият мажмуаси, унинг мазмуни муентазамлик билан ҳаракатли ва спорт ўйинларидан, ўйинли машқлар турли тезлик кучи ва тезликни ривожлантирувчи машқлар.

Асосий масала ҳаракатлар шидаттини максимал ошириш.

Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг тезлик-кучини ривожлантириш учун машқлар

2.3.1-жадвал

Машқлар	Чўзилиш тортилишнинг катталиги(кг)	Сони	Ҳар бир кетма-кетлиқда неча марта қайтарилди
Баландликка жоудан, икки оёқларда сакраш:	3	4-5 4-5 3-4	6-8 6-8 4-6
A) Чуқур ўтирган холда: қўллар ёрдамида қўлларсиз чўзилиб	4	5-6 4-5	6-8 4-6
B) Ярим ўтирища(сон билан болдири оралиғи 90°): чўзилмасдан чўзилиб тортилиб шерик билан елкадан ушлаб(гимн. деворда туриб)	5	4-5	4-5
B) Ўтиришдан (сон билан болдири оралиғи 120°): чузилиб – тортилмасдан тортилиб- чузилиб шерик билан елкада (гимн. деворчада туриб бир оёқда сакраш чуқур ўтиришдан: (топпонча) қўллар ёрдамида қўлларсиз чўзилиб – тортилибикки оёқларда тепага сакрашлар ўрта меёрдаги темпда ууқори меёрдаги темпда максимал темпда тиззаларни кўтариб.	2-4	4-5 4-5 2-3 4-5 3-4 2-3	4-5 3-4 2-3 20-25 20-25 10-15

Хар эхтимол, агарда дастлабки давр тайёрловида юқоридаги қайд этилган восита ва услуглардан унумли фойдаланимаса тезлик – кучи сифатлари болалаларда қониқарсиз ривожланади. Тезлик – кучи сифатини түғри ва самарали ривожланиши машқлар мажмуаларини белгиланган хажмда таъминланса ўсиш бўлади.

Дастлабки тайёрлов даврида тезлик ва тезлик – кучи сифатини ривожлантириш бинобаринда, яна бир нарсага эътибор беришни унитмаслик керак, у ҳам бўлса мускул кучини ривожлантириш, болаларни мушак ҳаракат аппарати мустаҳкамлаш. Шу мақсадда машғулотлар дастурига акробатик унсурларини – элементларини (умбалоқ ошиш, тик туришлар, ён томонга ағдаришлар ва х.к. Гимнастик снарядларда машқлар, тортилишлар, силтовлар, осилиш, учишлар) турлича сакрашлар, тортилиш ва улоқтиришлар, жойларда ҳаракатли ўйинлар ва машқлар.

Кучни ўстирувчи машқлар минимал кучланиш меъёрида ўтказилиб, ортиқча зўриқищдан сақлаш лозим, шунингдек жуда кўп ва давомли зуриқищдан чегаралаш тавсия қилинади. Оддий қарагандан болаларда қорин мускуллари бўш ривожланган, тос суякларини ости, гавдани қийшиқ мускуллари ҳам сонни орқа мушаклари ва оёқларни тортувчи мушаклар ҳам.

Қизлар билан шуғулланишда энг муҳими елка камари мускулларини мустаҳкамлаш зарур. Болалар билан шуғулланишда энг муҳими чўзилувчи – тортилевчичи машқлар билан шуғулланиш лозим, нисбатан оғир бўлмаган оғирликлар билан.

Бунақангি машқлар бажарилиши мумкин қадар катта тезлик билан. 8 – 10 ёшли болалар оғирликларни кўтариб унча узоқ бўлмаган масофаларга ўзини тош оғирлиги 3 қисм ташиб олиб борадилар.

12 -13 ёшда эса ўзининг ярим вазни келадиган оғирликни. Қизлар билан бажариладиган машқлар билан мақсадга мувофиқ унча катта бўлмаган оғирликлар билан шуғулланиш мумкин: тўлдирма тўплар, тошлар, 1кг гантеллар, штанга машқлари, гимнастик деворчасида, ўриндиқ билан турли сакровчан машқлар, тўпули ўйинлар, оддий акробатик машқлар шериги билан.

Дастлабки тайёрлов даврида муҳим аҳамиятлиси чаққонли сифатини ривожлантириш, қайсики мураккаб координацион ҳаракатларни ўзлаштиришда асос бўлиб хисобланади. Кейинчалик кўп йиллик спорт тайёрлов даврларида пойдевор ҳосил қилиши аниқ. Шу мақсадда ҳаракатли ва спорт ўйинлардан, эстафеталар, тўпули ўйинлардан, мувозанат сақлайдиган машқлар, сакрагичлар, тўсиклардан ўтиш машқлари, гимнастик ва акробатик машқлар фойдали.

Чаққонликни ривожлантирувчи юкламани ўзгартириш учун шундай йўлланма топиш лозимки, у фактат аста – аста координацион ҳаракат қийинчиликни енгиди чиқиши керак. Шунда ҳам бари бир методик услубиятни кўллаш мураккаб координацион ҳаракатларни самарадорлигини ошириш машқларини кўллаш керак: айrim халқларни ўзгартириш, усул ва услубларни алмаштириш мақсадга мувофиқдир.

Эгилувчанликни ривожлантириш энг қулай вақти – бу кичик мактаб ёши, чунки болалар организми анчагина пластик холатига мансуб, бошка кейинги ривожланиш даврилариға нисбатан. Эгилувчанликни ривожлантириш учун айни керакли бўлган маҳсус амалда қўлланган тортувчи – чўзилиш машқлари, қайсиларки аста – секинлик билан ҳаракат амплитудасини белгиланган меъёргача оширган.

Тортилувчан машқлар ўзига хос, қоидага кўра ҳаракатлар унсурларидан иборат асосий ва даволовчи гимнастикадан турди ва сараланиб мушак гурухлари, пайларга таъсир қиласи: (оёқлар, кўллар, гавда, бўюнларга) эгилувчанликни ривожлантириш методи – машқларни такрорлашдан иборат.

Шу билан бирга бўғимлар ҳаракатчанлигини мунтазам машқ қилиш керак.

Фақат кўплаб эгилувчанликка машқларни такрорлашдан сўнг бўғимларда амплитуда ҳаракатини ошириш мумкин.

Машғулотнинг муҳим вазифаларидан чидамлилик сифатини ривожлантириш ҳисобланади, чунки у барча ихтисослик бўйича спортчиларга зарур жисмоний тайёргарликка киради. Шу аснода болалар ва ўсмирлар чидамлиликни ривожлантиришда кўпинча жуда кеч машғулот юкламалариға кўнишиб қўшилишади. Албатта бу масаланинг нафақат катта спортга зарари етади, балки деярли керак бўлган ҳар томонлама ёш спортчиларни ривожланишига путир етказади ҳамда болалар ва ўспириналарни организмини аста – секин катта тренировка юкламаларга олиб чиқиш қийинлашади.

Катта етишмасчилик шундан иборатки ўрта-умумтаълим мактабларида жисмоний тарбия дастури кайта кўриб ишланиб чиқилиши керак, чунки жисмоний машқлар қаторида ДТСда ҳам ёш авлодни ҳар томонлама жисмоний ривожланишида чидамлилик сифатига кам эътибор қаратилган.

Хозирги замон ҳаёти болалар жисмоний тарбиясини тубдан қайта ишлаб чиқишини тақозо этади, назорат синовлари ва меъёрларни болалар, ўсмирларга ва ўспириналар кўриб чиқишни талаб этади.

АДАБИЁТЛАР

1. Усмонходжаев Т.С. ва бошқалар. “Болалар ва ўсмирлар спорти машғулотлари назарияси ва услубиятлари”. Т:-Илм-зиё., 2006 йил.
2. Юнусов Т.Т., Абдумаликов Р. Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни бошқаришни ташкил этиш йўллари. Т, ЎзДЖТИ, 1992 й.
3. Ярашев К.Д. Жисмоний тарбия ва спортни бошқариш. Дарслик-Т., Ибн Сино, 2002. –224 б.

3-Мавзу: Болаларни спортга тайёрлаш. Болалар спортида юкламалар масаласи.

Режа:

- 1.Ёш спортчиларни тайёрлаш тузилмасининг босқичлари, мақсадли йўналишлари ва услубий асослари.
- 2.Дастлабки тайёрлов босқич тайёрловнинг асосий вазифалари
- 3.Спорт машғулотини режалаштириш ва ҳисобга олиш самарадорлиги.
- 4.Жисмоний машқлар техникасини бажаришга ўргатиш.

1.Ёш спортчиларни тайёрлаш тузилмасининг босқичлари, мақсадли йўналишлари ва услубий асослари.

Ёш курашчиларни тайёрлаш машғулотлар ва машғулотлардан ташқари воситалар, усуллар, шакл ва шароитларнинг жамланмасини оптимал амалга оширишни таъминловчи, муайян мақсадга йўналтирилган педагогик жараённи ўз ичига олади. Бу жараён ёш курашчилар шахсининг ҳар томонлама тараққиёти ва спорт натижаларига уларнинг тайёргарлик даражаси юқори бўлишини кафолатлаши лозим. Бундай тайёргарлик турли хил параметрлар кенг спекторининг мураккаб уйғунлиги билан белгиланади ҳамда жисмоний сифатлар ривожланиши даражаси, техника ва тактикани ўзлаштириш савияси, руҳий ва шахсий хусусиятларни ривожлантирганлик даражаси, интеллект ва махсус билимларнинг етарлича даражаси билан ҳарактерланади. Ёш курашчиларни тайёрлаш жараёни ушбу жараённи самарали амалга ошириш учун барча ўзаро боғлиқ хусусиятлар комплексини уларнинг мақбул боғлиқлиги ва ўзаро муносабати билан бирга фойдаланишни назарда тутади.

Ёш курашчиларни тайёрлаш тузилмасида уч асосий босқични ажратиб (В.Р.Филин бўйича), уларнинг таҳминий ёш чэгараларини белгилаймиз:

- дастлабки спорт тайёрлови босқичи – 7-8 ёшдан 9-10 ёшгача;
- бошланғич спорт тайёрлови босқичи – 10-11 ёшдан 12-13 ёшгача;
- танланган спорт турида чуқурлаштирилган машқ босқичи – 13-14 ёшдан 17-18 ёшгача.

Мана шу ёш даврларига мувофиқ ёш курашчиларни тайёрлаш тузилмаси ҳар бир босқичда қўйидаги жабхаларни ўз ичига олади:

- мақсадли йўналишлар;
- вазифалар ва дастурий материал;
- тайёрловнинг воситалари ва усуллари;
- назорат услубияти;
- мусобақалар услубияти;
- сарабаш услубияти;
- гиниеник таъминот;
- моддий таъминот.

Дастлабки спорт тайёрлови босқичида мақсадли йўналишлар блоки ундан болалар соғлигини мустахкамлаш, организмнинг барча аъзо ва тизимларининг баркамол ривожланиши, кураш билан шуғулланиш учун меҳнатсеварлик ва қизиқиши тарбиялаш, шуғулланаётганларнинг ҳар томонлама жисмоний тайёргарлигини таъминлаш, жисмоний машқларни бажариш техникаси асосларини эгаллашни талаб этади.

Бошланғич спортга ихтисослашув босқичида асосий мақсадли йўналишлар мажмуасига қуйидагилар киради: ёш курашчиларнинг ҳар томонлама умумий ва маҳсус жисмоний тайёргарлиги, танланган кураш турининг техника ва тактика асосларини эгаллаш, мусобақалашув тажрибасини ўзлаштириш, кураш спортида чуқурлаштирилган маҳсус тайёрлов учун омилларни яратиш.

Чуқурлаштирилган машқ босқичи қуодаги мақсадли йўналишларни амалга оширишни назарда тутади:

-умумий ва маҳсус жисмоний тайёргарлик танланган кураш тури учун муҳим бўлган жисмоний сифатларни иложи борича ривожлантириш билан бирга, мазкур кураш турида техника ва тактикани такомилига етказиш, ёш курашчилар шахсининг ирода ва маънавий сифатларини ривожлантириш.

Вазифалар ва дастурий материал мақсадли йўналишлар билан белгиланади ва ёш курашчиларнинг ёш хусусиятлари ва спорт малакасига мувофиқ равища тайёрловнинг турли бўлинмалари бўйича ишлаб чиқлади. Ёш спортчиларни БЎСМ ва ОЗБЎСМга тайёрлаш тизимида мазкур материал ўқув режалари ва дастурлари билан тартибга солинади.

Тайёрловнинг воситалари ва усуллари болалар ва ўсмирлар ривожланишининг ёшга доир қонуниятларига, машғулотлар жараёнининг ҳар бир босиқичига, кураш турларининг хусусиятларига мувофиқ тарзда танланиши керак. Бундай воситалар ва усуллар умумий ва маҳсус тайёргарликнинг зарурӣ даражасини, ёш курашчилар организмининг оптималь ривожланишини таъминлайди.

Назорат услубияти кураш билан шуғулланаётганларнинг саломатлик ҳолати, жуссасининг кўрсаткичлари, жисмоний, техник ва тактик тайёргарлик даражаси, руҳий ўзига хосликлари, машқ қилинганлик даражаси, бажарилган нагрузкалар ҳажми ва суръатини аниқлашга қаратилгандир. Бу ахборот комплекс назорат, шу жумладан педагогик диагностика усуллари қўлланилишини талаб этади. Олинадиган ахборотлар ёш курашчилар ўқув-машқ жараёнига зарурӣ тузатишлар киритишга имкон беради.

Мусобақалар услубияти, кўп жиҳатдан, ҳар бир кураш турининг таъсирига боғлиқдир. Болалар ва ўсмирлар марказий асаб тизимининг қучли ҳаяжонланиши ва шиддаткорлиги мусобақалашув амалиёти бошланиши, ёш курашчилар ёши ва тайёргарлик даражасига мувофиқ тарзда, тайёргарликнинг муайян босқичлари доирасида мусобақалар ва олишувлар сонини қатъий регламентация қилишни талаб этади. Бундан ташқари, ҳар бир олишувда мусобақалар миқёси ва рақибларнинг тайёргарлик даражасини

хисобга олиш керак бўлади, бу мусобақалашув босимларини назорат қилиш учун керакдир.

Ёш қурашчиларни саралаш услубияти улар муваффақиятли тайёргарлигининг муҳим шартларидан бири бўлиб, ўзичига қурашнинг танланган турида у билан шуғулланувчилар ҳар бирининг муваффақияти унга боғлиқ бўлган сифатларни аниқлаш ва баҳолаш учун турли усуллар комплексини олади. Бу усуллар комплексига ёш қурашчиларнинг соғлиғи ҳолати, морфологик, функционал ва руҳий хусусиятлари, шунингдек жисмоний сифатлари ривожланиши даражаси аниқланадиган педагогик, психологик ва тиббий-биологик тадқиқотлар кириши керак. Саралашнинг асосий қийинчилиги шундаки, санаб ўтилган ҳарактеристикаларни нафақат айни вақтда баҳолаш керак, балки келгусидаги спорт машқлари жараёнида уларнинг динамикасини башорат қила билиш лозимдир (Туманян Г.С., 1997).

Спорт саралашини узоқ йиллик давомли жараён сифатида тасаввур етиб, унда учта асосий босқични ажратиб кўрсатса бўлади (В.Р.Филин бўйича):

-дастлабки саралаш;

-чуқурлаштирилган текширув;

ҳар бир ёш қурашчининг қурашнинг муайян турига нисбатан унинг қобилияти даражасини тугал аниқлаш учун уларнинг ҳар бирини узоқ йиллик тизимли ўрганиш.

Ёш қурашчиларни саралашнинг кўрсатилган барча босқичларида организм биологик ривожланишининг индивидуал ўзига хосликлари хисобга олиниши керак. Болалик ва ўсмирлик давридаги юқори спорт муваффақиятлари нафақат юқори даражадаги спорт қобилиятининг натижаси, балки биологик балоғатга етишнинг генетик анча эрта муддатларининг меваси ҳам бўлиши мумкин деган саралашда тез-тез учраб турадиган хатоликлар олдини олишга ёрдам беради.

Ёш қурашчиларни тайёрлашнинг гигиеник таъминоти ўз ичига уни оптималлатириш шартларининг ҳажмдор блокини олади: машқ жараёнини амалга ошириш ва мусобақалар ўтказиш вақтида куннинг оқилона меъёри, тўла-тўқис озиқланиши, шахсий гигиена, зарурий санитария-гигиена шароитларини яратиш.

Ёш қурашчилар ўқув-машқ жараёнининг моддий таъминоти ихтисослаштирилган заллар, жихоз ва инвентарлар (машқ манекенлари, тренажёрлар, резинали амортизаторлар, оддий анжомлар), видеоаппаратура, кўргазмали қуроллар ва ўлчов техникаларининг мавжуд бўлишини назарда тутади.

Ёш қурашчиларни тайёрлаш тузилмасининг кўрсатилган аспектларидан ташқари, у яна бир нечта услубий ўзига хосликларга эга. Уларнинг асосийлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин (Ю.Ф.Курамшин бўйича):

-максимал спорт натижаларига қисқа муддатда эришишга йўл қўймаслик;

-ёш курашчиларнинг ўсиб келаётган организми имкониятларига мувофиқ тарзда машқ ва мусосабақалашув нагрузкаларини чеклаш;

-спорт машғулотини режалаштириш ва амалга ошириш вақтида мактабда ўқув жараёнини яратишнинг ўзига хосликларини ҳисобга олиш;

-умумий жисмоний тайёргарлик воситаларининг ихтисослаштирилган машқлар воситаларига нисбатан устувор аҳамиятдалиги.

Санаб ўтилган услубий хусусиятларни доимий ҳисобга олиб бориш ёш курашчиларни тайёрлашдаги жадаллаштиришни четлаб ўтишга ёрдам беради, вахоланки, спортнинг мазкур турида жадаллаштириш тез-тез кўзга ташланади ва уларнинг катта ёшдаги спортчилар тоифасига ўтишида кўплаб қийинчиликларга олиб келади.

2. Даствлабки тайёрлов босқич тайёрловнинг асосий вазифалари.

Ёш курашчиларни даствлабки спорт тайёргарлиги босиқичида машқ қилдиришнинг норматив-услубий асосларини анча батафсил кўриб чиқар эканмиз, 8-9 ёшдаги спорт-соғломлаштириш гурухи болаларига дзюдо воситаларини қўллаш билан тахминий ўқув режасини келтирамиз. Мазкур режа И.Д.Свишев раҳбарлигидаги муаллифлар жамоаси томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, 1-жадвалда кўрсатилган.

10.2.1-жадвал

8-9 ёшдаги болалар спорт-соғломлаштириш гурухларининг дзюдо воситаларини қўллаш билан бирга тахминий ўқув режаси (И.Д.Свишев бўйича муаллифлик асосида, 2003)

№	Тайёрлов турлари	Ойлар													Жами соат
		IX	X	XI	XII	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII		
1	Дзюдо техникаси (садда элементлар)	3	3	3	3	3	3	3	3	3	3	3	3	36	
2	Жисмоний тайёргарлик	5	5	5	5	5	5	5	5	5	5	5	5	58	
3	Иродани тайёрлаш	1	1	1	1	1	-	1	1	1	1	1	1	10	
4	Маънавий тайёргарлик	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	12	
5	Гигиеник тадбирлар	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	12	
6	Тиббий кўрик	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	12	
7	Синов тажрибаси	-	-	-	-	-	2	-	-	-	-	-	2	4	
	Жами соат	12	12	12	12	12	12	12	12	12	12	12	12	144	

Мазкур жадвал мазмуни шундан иборатки, 8-9 ёшдаги спортсоғломлаштириш гурухи болаларининг ўқув-машқ ишларининг асосий ҳажми жисмоний тайёргарликка түғри келиб, у нагрузканинг умумий ҳажмида 40% ни ташкил этади. Бундан ташқари, иродани мустаҳкамлаш ва маънавий тайёргарлик, қураш билан шуғулланаётганда гигиеник малакани сингдириш, доимий тиббий кўриқдан ўтишга катта эътибор ажратиш лозим.

Тайёргарликнинг мазкур барча турлари умумий машқлар вақтида деярли 32% ни ташкил этади. Дзюдо техникасининг оддий элементларини бевосита ўрганишга вақт у қадар кўп кетмайди – ўқув-машқишиларининг умумий ҳажмида у ўртача 25% ни ташкил қиласди. Тахлил этаётган ўқув режамиздаги тайёрловнинг ҳар хил турларидаги бундай нисбатлар ёш қурашчиларни спорт билан машқ қилишишнинг икки ўта муҳим жиҳатига амал қилишга ёрдам беради: ҳар томонлама жисмоний тайёргарликни таъминлаш ва болалар организми ҳамда барча аъзоларнинг баркамол ривожлантирилиши. Бу умуман олганда, уларнинг соғлиғи мустаҳкамланишига ёрдам беради, машғулотларда ортиқча нагрузка ва бир хилликнинг олдини олади, ёш қурашчиларнинг спортнинг айнан шу тури билан шуғулланишга бўлган иштиёқини оширади.

Шуғулланаётганларнинг асосий жисмоний сифатлари ривожланиши динамикасини баҳолаш учун ўқув йили давомида камиде икки марта зачёт тестларини ўтказиш зарур. Шу мақсадда 2-жадвалда келтирилган тестлар ва нормативлардан фойдаланиш мумкин

3. Спорт машғулотини режалаштириш ва ҳисобга олиш самарадорлиги.

Танланган қураш турида бошланғич спорт ихтисослашуви ва чуқурлаштирилган машғулот босқичлари.

Ёш спортчилар 10 ёшлигидан бошлаб БЎСМ ёки ОЗБЎСМ бошланғич тайёрлов гурухларига аъзо сифатида киритилиши мумкин. Шу муносабат билан вазирлик томонидан тасдиқланган спорт мактаблари учун дастурнинг норматив-услубий қисмини батафсил кўриб чиқиши лозим бўлади.

Кўрсатилган дастурга мувофиқ, 10-12 ёшдаги ёш қурашчилар бошланғич тайёрлов гурухларида, 13-16 ёшдагилар – ўқув-машқ гурухларида, 17-18 ёшдагилар – спорт такомиллашуви гурухларида шуғулланишлари мумкин. Бу ўринда гурухларнинг тўлдирилиши, нагрузкалар ҳажми ва спорт тайёргарлиги даражаси бўйича талаблар 3-жадвалда келтирилган маълумотларга мувофиқ келиши керак.

10.3.1-жадвал

**10-18 Ёшдаги ёш курашчилар ўқув гурӯҳларининг тўлдирилиши,
нагрузкалар ҳажми ва спорт тайёргарлиги бўйича талаблар
(А.М. Дякин бўйича, 1990)**

Ўқиши йили	Ўқувчилар ёши (йиллар микдори)	Гурӯҳда ўқийдиганларнинг минимал миқдори	Ўқув соатларининг максимал соати		Спорт тайёргарлиги бўйича талаблар (разядлар)
			хафтада	йилда	
Бошланғич тайёрлов гурӯҳлари					
Биринчи	10	15	6	312	Умумий ва махсус тайёргарлик бўйича меъёрлар ва талабларни бажариш
Иккинчи	11	14	9	468	
Учинчи	12	14	9	468	
Ўқув-машқ гурӯҳлари					
Биринчи	13	12	12	624	ИИ разряд
Иккинчи	14	10	18	936	1 разряд, ИИ разряд
Учинчи	15	10	18	936	1 разряд
Тўртинчи	16	10	20	1040	И разряд
Спорт такомиллашуви гурӯҳлари					
Бешинчи	17	8	22	1144	50 % сун
Иккинчи	18	6	24	1248	СУН

4. Жисмоний машқлар техникасини бажаришга ўргатиш.

Мазкур дастур турли жисмоний сифатларни ҳарактерловчи анча-мунча кенг тарқалган тестларни ўзичига олади. Ёш курашчиларнинг ёши, шунингдек уларнинг малакаси ва спортдаги стажи ошишига мувофиқ тарзда ўтказилувчи нормативларга бўлган талаб ошиб боради. Бу ўринда тест ўтказилаётган спортчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш ва енгил ҳамда оғир вазн тоифасидаги ёш курашчилар учун норматив талабларни тахминан 10%га камайтириш керакдир. Ёш курашчилар машқ-машғулотларининг мақсадга мувофиқ ташкиллаштирилиши ўқув-машқ жараёнининг рационал тузилмаси реализацияси асосида амалга оширилади, унинг компонентларининг барқарор ўхшашлиги ва улар оптималь нисбатининг мантиқий асосланган изчилилкда бўлиши шундан келиб чиқади.

Ёш курашчилар машқини ўтказишнинг асосий ташкилий шакли бўлиб машқ машғулотларини ўтказиш ҳисобланади. Машқ машғулотлари жисмоний тарбия бўйича машғулотларни ўтказишнинг умум қабул қилинган

қонуниятларига мувофиқ тарзда ўтказилади, улар уч қисмни ўз ичига олади: тайёрлов, асосий ва якунловчи.

Машқ машғулотларининг тайёрлов қисми вазифалари бўлиб ёш курашчиларни дастлабки тўплаш ва келгусидаги асосий фаолиятга функционал тайёрлаш ҳисобланади. Мазкур вазифалар юқори даражадаги ишchanлик қобилиятини намоён етиш учун шароитлар яратадиган маҳсус танлаб олинган жисмоний машғулотлар комплексини қўллаш йўли билан хал этилади.

Машғулотнинг тайёрлов қисми давомийлиги одатда 30-40 дақиқани ташкил этади. Бу давр тугаши билан ёш курашчи машғулотлар асосий қисмининг биринчи машқ вазифаларини бажаришга тайёр туриши ва ушбу машғулотларда асосий ўринга эга бўлган маҳсус машқларни бажаришга шайланган бўлиши зарур. Оёқ-қўл чигилини ечиш, яъни разминка кўринишидаги машқ машғулотларининг тайёрлов қисмини тўғри ташкил этиш ўз ичига қўйидагиларни олади: югуриш, югуришли ва сакрашли машқлар, тортилиш бўйича машқлар, тезкор-кучланишли машқлар, акробат машқлари, жуфтлиқдаги машқлар, имитация машқлари, кураш қўпригидаги машқлар.

Худди шу тартибдаги разминка ёш курашчиларнинг мусобақалашув фаолияти учун ҳам хосдир, лекин қўйидаги ўзига хос хусусиятларга эга.

Асосий разминка биринчи олишувдан тахминан бир соат олдин ўтказилади ва юқорида кўрсатилган машқлар мажмуасини, шунингдек яқинда бўладиган мусобақаларга шайланмоқликини ўзичига олади. Шундан сўнг ёш курашчи илиқ машқ костюмини кийиб, дам олиш учун танаффус қилиши лозим. Ҳар бир олишувдан тахминан 20 дақиқа олдин қисқа, лекин интенсив қўшимча разминка қилиши ҳамда рақибининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган холда олдинда турган тўқнашувга якуний шайланмоғи керак.

Машғулот машқларининг асосий қисми мобайнида энг муҳим ва мураккаб вазифалар ҳал этилади, бу эса ҳар бир ёш курашчидан барча машғулот машқларини аниқ бажаришни талаб етади. Машғулотларнинг бу қисмидаги вазифалар комплексига, одатда, қўйидагилар киради:

- шуғулланаётганларнинг маҳсус жисмоний тайёргарлигини ошириш,
- спорт техникасига ўқитиш, техник-тактик усталикнинг бирон-бир жабхасини такомиллаштириш, ирода ва маънавий жихатларни тарбиялаш, бир ёки бир нечта жисмоний фазилатларни ривожлантириш.

Шуғулланувчиларнинг тайёргарлик даражаси, уларнинг ёши ва жинси, машғулотлар ўтказиш даври, кураш тури, стратегик ва жорий вазифалардан келиб чиқиб, курашчилар машқ машғулотларининг асосий қисми мазмuni анчагина кенг диапазонга эгадир.

Машғулотлар асосий қисмининг мазмuni, кўпинча, комплекс хусусиятга эга, бироқ шу ўринда машғулот босимларининг муҳим йўналишлари аниқланади. Бундай босимлар бир вақтнинг ўзида бирон-бир жисмоний фазилатлар ривожланиши вазифаларини бажариши билан бирга,

усуллар техникасини ўрганиш ёки такомиллаштириши билан ҳам кураш спорти турлари учун хосдир. Бироқ ёш курашчининг бутун дикқат-эътибори машғулот машқларининг асосий йўналишига жамланган бўлиши керак, зоро, шундай қилингандан унинг самарадорлигини ошириш мумкин бўлади. Ранг-баранг хусусиятларга эга машқ вазифаларининг яхлит блокини бирлаштириш заруратида биринчи навбатда машқ машғулотларини ўтказишида авваламбор, техник-тактик ҳаракатларни ўрганиш ёки такомиллаштириш бўйича машғулотларни бажариш мақсадга мувофиқдир. Шундан сўнг шижаоткорлик сифатлари, ана ундан кейин куч-кувват сифатларини ривожлантириш, ва яна охирида эса – сабр-тоқатни ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Малакаси ошиб борар экан, ёш курашчилар усуллар ва комбинацияларни бажариш техникасини қўп ҳолларда жисмоний фазилатлар ривожланишининг таркибий қисми сифатида биладилар. Мисол учун, мураббийнинг топшириғи билан бир марта ёки бир неча маротаба сакраб отишни (бросокни) максимал тезликда бажарар экан, ёш спортчи тезкорлик сифатларини ривожлантириш билан бир вақтда, мазкур бросокларни бажариш техникасини ўзлаштира бошлайди. Бироқ бундай шароитларда ҳам ёш курашчиларнинг дикқат-этибори ва куч-куввати кўпроқ бажарилаётган вазифаларнинг асосий йўналишига қаратилган бўлиши керак.

Кураш спорти бўйича машқ машғулотларини ўтказишининг хусусияти турли йўналишлардаги машқлар бирикуvida юқорида келтирилган изчилликка баъзи вазиятларда риоя этмасликка рухсат беради. Шуғулланувчиларга комплекс таъсир ўтказишини кафолатлайдиган бундай бирикув ҳар хил спарлинг-шериклар билан машғулот олишувлари ўтказилиши давомида бевосита таъминланади. Бироқ, агар мазкур тўқнашувлар орасига бошқа вазифалар, масалан, бросоклар техникасини такомиллаштириш бўйича вазифалар қўшилса, унда жисмоний сифатлар (тезкорлик сифатлари – куч-кувват сифатлари - сабрлилик) устувор ривожланишида изчилликни сақлаб қолмоқлик аъло бўлади.

Ёш курашчилар машқ машғулотларининг 5-10 дақиқалик якунловчи қисми нагрузка кўрсаткичларини бирмунча ва секинлик билан туширишни назарда тутади. Якунловчи қисмнинг мазмунига, кўпинча, машғулотларнинг интенсивлигини пасайтиришга хизмат қиласидиган нафас олиш ва дикқат-эътиборни тиклашга мўлжалланган унчалик мураккаб бўлмаган машқлар серияси киради. Бу шуғулланувчиларнинг келгусидаги фаолияти учун ижобий омил бўлиб хизмат қиласидаги функция ва тизимлари янада тезроқ қайта тикланишига замин яратади.

Спорт тайёргарлиги босқичида ёш курашчилар унча-мунча қийинчиликларни енгиб ўтишлари керак бўлади. Булар ўқишни, машқни ва хордиқни оқилона бирга олиб бориш, овқатланиш ва уйқу режимига пухта амал қилиш, педагогик ва тиббий назорат таомилларидан муттасил ўтиб бориш билан боғлиқдир. Буларнинг барчаси ёш курашчиларни чиниктиради, тартиб-интизомга ўргатади, соғлигини мустахкамлайди, қийинчилик ва муваффақиятсизликларни енгиб ўтишни ўргатади. Танланган кураш турида

ёш курашчилар билан машқ қилдиришнинг чукурлаштирилган босқичида машқ нагрузкаларининг хажм ва суръати бўйича машғулотларнинг кўлланилиши қўйидаги асосий йўналишларга пухта риоя этишни талаб қиласди:

- 1) ўқув-машқ жараёнининг йиллик ва тизимлилик хусусияти;
- 2) ёш курашчиларнинг ёш жиҳатдан ва жинсий ўзига хосликлари, шунингдек акселерация ва ретардация кўринишлари мажбурий хисобини юритиши;
- 3) машқ нагрузкалари ҳажми ва суръати ошган вақтда, тайёрловнинг йиллик циклида бўлгани сингари, узоқ йиллик босқичида ҳам қатъий изчиликни сақлаш;
- 4) машқ қилдиришнинг турли хил ва турли йўналишлардаги шакллари, воситалари ва усусларини қўллаш;
- 5) машқ қилдириш тўсиқларининг оширилган босимлар ва уларни давомсиз тушириб бориш тўсиқлари билан оқилона бирикуви;
- 6) муентазам педагогик ва тиббий назоратни таъминлаш.

Санаб ўтилган йўналишларнинг рационал амалга оширилиши машғулотлар воситалари ва усусларининг кенг қатламидан фойдаланиш, машқ қилдириш ва мусобақалашув босимларининг ҳажми ва суръатидаги самарали уғунликда намоён бўлади. Ёш курашчилар ўқув-машқ жараёни шундай тарзда амалга оширилиши керакки, хатто нагрузкалар ҳажми ва суръати бирмунча оширилган тақдирда ҳам, асаб тизимидағи чарчаш аломатларининг пайдо бўлиши кузатилмаслиги керак. Машғулот машқлари турли воситаларни қўллаган ҳолда, юқори иштиёқ кайфиятида ўтказилиши керак, бу эса машғулотларга қизиқишини сўндиримаган ҳолда нагрузкалар оптимал даражасини ушлаб туришга имкон беради. Аксинча, ўқув-машқ жараёни очик-ойдин зерикарли тарзда режалаштириб, уни амалга ошириш жисмоний сифатларни ривожлантиришда тормоз ролини ўйнайди ҳамда ҳаракатланиш маҳорати ва малакасининг деформациясига сабаб бўлади. Бундан ташқари, бундай бир хиллик ёш курашчини ортиқ даражада ҳолдан тойиш ва ортиқча машқ қилиб юбориш ҳолатларига олиб келиши мумкин.

Машқ қилдириш суръатларини ошириш тўсиқларини ва унинг ҳажмини камайтириш тўсиқларини ўз вақтида ва асосланган тарзда алмаштира бориб, бу билан турли хил йўналиш ва хусусиятдаги машқ қилдиришнинг воситалари ва усусларини тез-тез мувофиқлаштириш орқали ёш курашчилар тайёргарлигининг асосий томонларининг даражасини муттассил ошириш учун зарурый шароитлар яратиш мумкин.

Ёш курашчиларни спортга тайёрлаш бутун тизимининг муҳим аспекти бўлиб уларни олдиндаги мусобақаларга тайёрлаб олиб келиш ҳисобланади. Бу ўринда мусобақаларнинг аҳамияти ва миқёсини ҳисобга олмоқ зарур. Иккинчи даражали мусобақаларда иштирок этиш учун тайёрлов машғулотлар мазмунида муҳим ўзгаришлар бўлишини талаб этмайди. Фақатгина бундай мусобақа олдидан бўладиган сўнгги микроциклда машқ

қилдириш суръатини оширган ҳолда машқларнинг ҳажми бироз пасайтирилса бас.

Ёш курашчиларнинг масъулиятли мусобақаларда иштирок этишини уларни тайёрлашнинг бутун тизимида асосий шакл деб баҳоласа бўлади.

Мазкур мусобақалар оралиғидаги ўқув-машқ жараёнини шундай тартибда ташкиллаштириш керакки, шуғулланувчиларнинг кучли асабийлашуви билан боғлиқ юқори суръатдаги босимлар минимумга келтирилсин. Бундай нагруззкалар бўлиб ўтган мусобақалардан кейин ёш курашчининг организми функциялари ва тизимлари тикланиши жараёнининг кечишига ҳалақит беради.

АДАБИЁТЛАР

1. Усмонходжаев Т.С. ва бошқалар. “Болалар ва ўсмирлар спорти машғулотлари назарияси ва услубиятлари”. Т:-Илм-зиё., 2006 йил.
2. Юнусов Т.Т., Абдумаликов Р. Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни бошқаришни ташкил этиш йўллари. Т, ЎзДЖТИ, 1992 й.
3. Ярашев К.Д. Жисмоний тарбия ва спортни бошқариш. Дарслик-Т., Ибн Сино, 2002. –224 б.

4-Мавзу: Жисмоний сифатлар воситалари.

Режа:

1. Болалар ва ўсмирларда жисмоний сифатларни тарбиялаш
2. Чаққонлик ва чидамлиликтин тарбиялаш усулияти ва ривожлантириш методикаси
3. Тезкорлик сифати ва уни ривожлантириш усулияти
4. Эгилувчанлик ва уни ривожлантириш усулияти
5. Куч ва уни ривожлантириш усулияти

Курашчининг жисмоний тайёргарлиги.

Курашчининг жисмоний тайёргарлиги спорт тренировкасининг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади ва жисмоний сифатлар - куч, чидамлилик, эгилувчанлик, чаққонлик ва тезкорликни ривожлантиришга қаратилган жараёндир.

Жисмоний тайёргарликнинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

Спортчилар соғлиғи даражаси ва улар организми турли тизимишларнинг функционал имкониятларини ошириш.

Жисмоний сифатларни спорт курашининг ўзига хос хусусиятига жавоб берадиган бирликда жисмоний сифатларни ривожлантириш.

Жисмоний тайёргарлик умумий, ёрдамчи ва маҳсус тайёргарликка бўлинади.

Курашчининг умумий жисмоний тайёргарлиги юқори натижаларга эришиш учун пойdevor, зарур асос ҳисобланади. У асосан қўйидаги вазифаларнинг ҳал этилишини таъминлайди:

Курашчи организмини ҳар томонлама гармоник ривожлантириш, унинг функционал имкониятларини ошириш, жисмоний сифатларини ривожлантириш.

Саломатлик даражасини ошириш.

Шиддатли тренировка ва мусобақа нагрузкалари даврида фаол дам олишдан тўғри фойдаланиш.

Умумий жисмоний тайёргарлик турли воситалар тўплашини ўз ичига олади. Улар орасида снарядларда ва снарядлар билан бажариладиган машқлар, шерик билан маҳсус тренажерлабда бажариладиган машқлар, бошқа спорт турлари: акробатика, енгил атлетика, спорт ўйинлари, сузиш ва ҳ.к.дан олинган умумий ривожлантирувчи машқлар ажратилади.

Ёрадамчи жисмоний тайёргарлик маҳсус ҳаракат малакаларини ривожлантиришга қаратилган катта ҳажмдаги ишни самарали бажариш учун зарур бўлган маҳсус асосни яратишга мўлжалланган. У анча тор ва ўзига хос йўналишга эга ҳамда қўйидаги вазифаларни ҳал этади:

Асосан кураш учун кўпроқ хос бўлган сифатларни ривожлантириш.

Курашчи ҳаракатларида катта даражада иштирок этувчи мушак гурухларини танлаб ривожлантириш.

Ёрдамчи жисмоний тайёргарликнинг илғор воситалари сифатида шундай машқлар қўлланилади, улар ўзининг кинематик ва динамик таркиби ҳамда асаб-мушак кучланиши хусусиятига қўра курашчининг мусобақа фаолиятида бажарадиган асосий ҳаракатларига мосдир. Шундай машқлар орасида қуйидагиларни ажратиш мумкин: курашнинг турли усулларини ишора орқали бажариш; маҳсус тренажёр мосламаларида бажариладиган машқлар; курашчилар манекени билан машқлар.

Курашчининг маҳсус жисмоний тайёргарлиги ҳаракатланиш сифатларини курашчиларнинг мусобақа фаолияти хусусиятлари томонидан қуйиладиган талабларга қатъий мувофиқ ҳолда ривожлантиришга қаратилган.

Курашчиларнинг маҳсус жисмоний тайёргарлиги асосан кураш гиламида ўtkазилади ва ҳаракат малакалари таркибидаги энг муҳим ҳаракат сифатларини ривожлантиришга қаратилган. Шунинг учун маҳсус жисмоний тайёргарликнинг асосий воситалари сифатида мумкин бўлган турли мураккабликларни жалб қилган ҳолда мусобақа машқлари қўлланилади.

Бундай мураккаблаштирилган машқлар курашчи организмига бўлган таъсири қучайтиради. Масалан, оғирроқ вазн тоифасидаги шеригини ташлаш, шерикларни алмаштирган ҳолда ўкув-тренировка беллашувлари бажарилади ва ҳ.к. Мана шу ҳамма машқлар энергия таъминотининг у ёки бу механизmlарини ривожлантириш имконини таъминлайди, курашчининг машқланганлигига комплекс ҳолда таъсир кўрсатади ҳамда бир вақтнинг ўзида унинг жисмоний ва техник-тактик тайёргарлигини оширади.

Жисмоний тайёргарликнинг ҳамма кўрсатилган турлари бир-бири билан узвий боғлиқ. Тренировка жараёнида бирон бир жисмоний тайёргарлик турларига етарлича баҳо бермаслик охир-оқибат спорт маҳоратини ошишига тўсқинлик қиласди. Шунинг учун тренировка жараёнида кўрсатилган жисмоний тайёргарлик турларини оптималь нисбатига риоя қилиш жуда муҳимдир. Унинг сон жиҳатдан ифодаси доимий ўлчам ҳисобланмайди, балки курашчилар малакаси, уларнинг алоҳида хусусиятлари, тренировка жараёни даври ва организмнинг шу пайтдаги ҳолатига боғлиқ ҳолда ўзгариб туради.

Куч ва уни ривожлантириш услубияти

Жисмоний сифат бўлмиш “куч” деганда курашчининг рақиб қаршилигини енгиб ўтиш ёки мушак кучланиши ҳисобига унга қаршилик кўрсатиш қобилияти тушунилади.

Кучнинг қуйидаги турларини ажартиш қабул қилинган: умумий ва маҳсус, мутлақ ва нисбий, тезкор ва портловчан, куч чидамлилиги.

Умумий куч - бу курашчининг маҳсус ҳаракатларига тааллукли бўлмаган ҳолда спортчи томонидан намоён қилинадиган куч. Маҳсус куч мусобақа ҳаракатларига мос бўлган маҳсус ҳаракатларда спортчи томонидан намоён бўлади. Мутлақ куч спортчининг жуда катта хусусиятига эга ҳаракатларида намоён бўладиган куч имкониятлари билан тавсифланади. Курашда у куч ёрдамида яккама-якка олишиш учун муҳим аҳамиятга эга.

Нисбий куч, яъни спортчининг 1кг вазнга тўғри келадиган куч курашчининг шахсий оғирлигини енгиб ўтиш имконияти кўрсаткичи ҳисобланади. Бу усулларнинг тезкорлик билан бажарилишида муҳим аҳамиятга эга.

Тезкор куч мушакларнинг нисбатан кичик ташқи қаршиликни енгиб ўтиш билан боғлиқ ҳаракатларни тез бажаришга бўлган қобилиятида акс этади.

Портловчан куч қисқа вақт ичида ўз шиддатига кўра катта кучланишларни намоён қилиш қобилиятини тавсифлайди.

Куч чидамлилиги - бу спортчининг нисбатан узоқ вақт давомида мушак кучланишларини намоён қилишга бўлган қобилиятидир. Курашчининг куч имкониятларини ривожлантириш учун қўйидаги услублар қўлланилади: такрорий кучланишлар; қисқа муддатли максимал кучланишлар; тобора ўсиб борадиган оғирликлар, зарбдор, биргаликда таъсир кўрсатиш; вариантилилар; изометрик кучланишлар услублари.

Такрорий кучланишлар услуби шундан иборатки, спорчи машқни “сўнги нафасгача” бажаришда максимал оғирликтан 70-80% га teng бўлган оғирликлар билан машқларни такроран бажаради. Ушбу услугу куч машқини сериялаб бажаришни назарда тутади. Ҳар бир серия - “сўнги нафасгача”, ҳаммаси бўлиб 3-4 серия, сериялар ўртасидаги дам олиш оралиғи 3-4 мин.

Такрорий кучланишлар услубининг бир тури динамик кучланиш услуби ҳисобланади. У машқларни максимумдан 20-30% оғирлиқда чегарадаги тезликда бажариш билан тавсифланади. Бунда катта мушак зўриқиши оғирлик вазни ҳисобига эмас, балки юқори тезликдаги ҳаракат ҳисобига эришилади.

Қисқа муддатли максимал кучланиш услуби ҳозирги пайтда мушакларнинг мутлақ кучини ошириш учун энг самарали ҳисобланади.

У чегарадаги ва чегарага яқин бўлган оғирликлар билан ишлашни назарда тутади. Мушаклар тренировкасида максимал кучланишлар услуби тренажерларда ва битта ёндашишда битта-иккита ҳаракатлар ёрдамида, катта оғирликтаги штанга билан бажариладиган машқларда (жим, силтаб кутариш, даст кўтариш, ўтириб-туриш) намоён бўлади. Тренировкада ҳаммаси бўлиб 3-4 та ёндашиш бажарилади. Ёндашишлар ўртасидаги дам олиш оралиғи - 3-5 мин.

Тобора ўсиб борадиган оғирликлар услуби битта тренировка машғулотида сингари кейингиларида ҳам қаршилик кўрсатиш ҳажмининг аста-секин ўсиб боришини назарда тутади.

Тренировка машғулотида биринчи ёндашишда спортчи 10 марта кўтара оладиган (10 МТ) оғирликтан 50% га teng оғирлик билан бошлаш тавсия этилади. Иккинчи ёндашишда машқ 10 МТ дан 75% оғирлик билан бажарилади, учинчи ёндашишда эса - 10 МТ дан 100% оғирлик билан бажарилади. Тренировка давомида ҳаммаси бўлиб 3 та ёндошиш амалга оширилади. Ёндашишлар ўртасидаги дам олиш оралиғи 2-4 мин. Ҳар бир

ёндашишда машқ чегарадаги тезлик билан аниқ толиқиб қолгунга қадар бажарилади.

Зарбдор услуг тушадиган оғирликнинг кинематик энергияси ва шахсий гавда оғирлигидан фойдаланиш йўли орқали мушак гурухларини зарбдор рафбатлантиришга асосланган.

Машқланаётган мушакларнинг камаяётган оғирлик энергиясини ютиб олиши мушакларнинг фаол ҳолатга кескин ўтишига, иш кучланишининг тез ривожланишига ёрдам беради, мушакда қўшимча кучланиш имкониятини ҳосил қиласди. Бу кейинги итарувчи ҳаракат шиддати ва тезкорлигини ҳамда қолоқ ишдан енгиб ўтиладиган ишга тез ўтишни таъминлайди.

Оёқлар портловчан кучини ривожлантиришнинг зарбдор услубини қўллаш усули сифатида кетидан баландликка сакраш билан бажариладиган чиқурликка сакраш машқларини айтиш мумкин. Машқ 70-80 см баландликдан оёқ тиззаларини бироз буккан ҳолда ерга тушиб, кетидан тез ва шиддат билан юқорига отилиб чиқиш орқали бажарилади. Сакрашлар сериялаб: 2-3 серияда, ҳар бир серияда 8-10 тадан сакрашлар бажарилади.

Сериялар ўртасидаги дам олиш оралиғи 3-5 мин. Машқ ҳафтада кўпи билан икки марта бажарилади.

Биргаликда таъсир кўрсатиш услуби шунга боғлиқки, курашчининг куч имкониятларини ривожлантириш бевосита ихтисослашган машқларни бажариш пайтида содир бўлади. Бир вақтнинг ўзида курашчининг куч қобилияtlари ва техник-тактик ҳаракатлари ривожлантирилади ҳамда такомиллаштирилади. Курашда биргаликда таъсир кўрсатиш услубдан фойдаланишга мисол тариқасида шундай машқларни келтириш мумкинки, курашчи бу машқларда ўз техник ҳаракатларини оғирроқ вазн тоифасидаги рақиб билан такомиллаштиради.

Оғирликнинг оптимал ўлчамини аниқлаб олиш жуда муҳимдир. Ҳаддан ташқари катта ўлчам ҳаракат малакаси таркибининг бузилишига олиб келади, бу оқибатда ҳаракат техникасига салбий таъсир кўрсатади.

Вариантилилкк услуби асосан турли вазнданчи оғирликлар билан маҳсус мушқларни бажаришни кўзда тутади. Ҳар хил вазнданчи шериклар билан мушқлар сериялаб бажарилади. Битта серияда аввал оғирроқ вазн тоифасидаги рақиб билан 10-12 та ташлаш бажарилади, сўнгра тенг вазнданчи рақиб билан 15-16 та ташлаш, шундан кейин ўз вазн тоифасидаги рақиб билан 10-12 та ташлаш бажарилади. Ҳаммаси бўлиб 3 серия бажарилади. Дам олиш оралиғи - 3-4 мин. Тезкор-куч сифатларини (меъёрдаги, кичик) ривожлантиришда вариантилилкк услуби айниқса самаралидир.

Усулларни анча оғир рақиб билан такомиллаштириш алохида куч имкониятларини ривожлантиришга, кичик вазн тоифасидаги рақиб билан эса - тезкорлик имкониятларини ривожлантиришга ёрдам беради. Бу оқибатда мусобақа машқида натижанинг ошишига олиб келади.

Мушакларнинг изометрик кучланиши услуби турли мушак гурухларининг 4-6 сек. давом этадиган статик максимал кучланишини назарда тутади. Изометрик машқларнинг қиймати шундаки, уларнинг ҳажми

унча катта эмас, кўп вақт олмайди, бажарилиши анча осон. Бундан ташқари, уларнинг ёрдамида маълум бир мушак гурухларига зарур ёки ҳолатларда, гавда қисмларини букиш ёки ёзишнинг тегишли бўғим бурчакларида танлаб таъсир кўрсатиш мумкин.

Тезкорлик ва уни ривожлантириш услубияти

Курашчи тезкорлиги - бу унинг мумкин қадар қисқа вақт ичидаги айрим ҳаракатлар ва усулларни бажариш қобилиятидир. Тезкорлик сифатини яхши ривожлантирмасдан курашда юкори натижаларга эришиб бўлмайди.

Ўз рақибидан хатто секунднинг юздан бир бўлагига тезроқ ҳаракат қиласидан курашчи унинг олдида муҳим устунликка эга бўлади.

Курашчи тезкорлиги кўп жиҳатдан унинг асаб жараёнлари ҳаракатчанлигига, шароитларга, рақиб ҳаракатларидаги кўримсиз ўзгаришларни сезишга бўлган сезгирилик унда қай даражада ривожланганлигига, беллашувда ҳар сафар юзага келган вазиятни бир зумда қабул килиш ва тўғри баҳолай олиш малакасига, тактик ҳаракатларни ўз вақтида ва аниқ бажаришга боғлиқ.

Тезкорликни ривожлантириш учун қуидаги услублар қўлланилади:

Машқларни енгиллаштирилган шароитларда бажариш услуби. Ҳаракатлар ва катта тезкорлик билан бажариладиган алоҳида ҳаракатларни енгиллаштирилган шароитларда кўп марта такрорлаш. Масалан, усулни кичик вазн тоифасидаги шерик билан тезкорликка эътибор қаратган ҳолда бажариш.

Машқларни енгиллаштирилган шароитларда бажариш тезлиги бўйича оддий шароитларда бажариладиган ҳаракатлардан оша-диган ўта тез ҳаракатларнинг бажарилишини рағбатлантиради. Масалан, югуриш тезлигини ошириш учун қияланган йўлкача бўйлаб (тоғдан) югуриш қўлланилади.

Машқни оғирлаштирилган шароитларда бажариш услуби. Курашчи мусобақаларда дуч келадиган шароитлардан хам анча қийин шароитларда максимал тезкорлик билан бажариладиган ҳаракатларни кўп марта такрорлаш. Масалан, оғир вазндаги шерик билан маҳсус машқларни бажариш.

Такрорий кучланишлар услуби. Икки хил кўринишда қўлланилади:

- машқларни чегарадаги ва чегара атрофидаги тезлик билан бажариш;
- машқларни шундай шароитда бажаришки, бунда чегарадаги куч зўриқишилари нисбатан енгил юкни катта тезлик билан бир жойдан иккинчисига ўтказиш йўли орқали таъминланади.

Ўйин ва мусобақа усуллари ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб, улардан фойдаланиш спортчининг эмоционал муҳити, руҳий ҳолати, рақобатчилик ҳиссининг ўзгариб туриши ҳисобига тезкорликни ривожлантириш учун кўшимча туртки (рағбат) бўлиши мумкин.

Курашчининг тезкорлик сифатларини тарбиялаш учун максимал тезлик билан бажариладиган машқлар (улар, одатда, тезлик машқлари, деб аталади) қўлланилади. Тезлик машқларининг техникаси уларнинг чегарадаги

тезликларда бажарилишини таъминлаши шарт. Машқларни бажариш пайтида асосий кучланишлар бажариш усулига эмас, балки унинг тезлигига қаратилиши учун машқлар шунчалик яхши ўрганилган ва эгалланган бўлиши керак. Машқлар давомийлиги шундай бўлиши зарурки, бажариш охирига келиб тезлик, толиқишига қарамасдан, пасаймаслиги шарт.

Тезлик машқларини бажариш тартиблари катта аҳамиятга эга. Ҳар бир машқ давомийлиги 20 сек.дан ошмаслиги лозим, дам олиш оралиғи, машқни тақрорлаш бошида, бир томондан, курашчининг тикланишишини, иккинчи томондан, унинг марказий асаб тизимини оптималь қўзғалувчанлигини таъминлаши, оптималь бўлиши керак.

Оралиқларда дам олиш фаол бўлиши лозим. Бунинг учун танаффусларда катта кучланишларни талаб қилмайдиган турли хил машклар бажарилади.

Чидамлилик ва уни ривожлантириш услубияти

Курашчининг чидамлилиги - бу бутун беллашув давомида ҳаракатларни юқори суръатда бажариш ва бутун мусобақа даврида бир нечта беллашувларни шиддат билан ўтказиш қобилиятидир. Юқори даражадаги чидамлилик курашчига катта тренировка ва мусобақа нагрузкаларини ўзлаштиришга, мусобақа фаолиятида ўзининг ҳаракат қобилиятларини тўлақонли равишда амалга оширишга имкон беради.

Курашда умумий ва маҳсус чидамлилик фарқланади.

Умумий чидамлилик деганда спортчининг суст шиддатдаги ишни узоқ вакт бажаришга бўлган қобилияти тушунилади.

Маҳсус чидамлилик курашчининг мусобақа беллашуви давомида турли хусусиятдаги ҳаракатлар ва амалларни ҳар хил кучланишлар билан ҳамда гавданинг турли ҳолатларида юқори суръатда бажариш қобилияти орқали тавсифланади.

Курашчининг мусобақа фаолияти кўп қиррали ва мушак тизимининг улкан иши билан боғлиқ (курашда статик ва динамик тартибда ишловчи деярли ҳамма мушак гурухлари қатнашади). Шунинг учун чидамлилик нафақат ишлаётган мушакларга етказиб бериладиган кислород миқдори билан, балки мушакларнинг ўзининг узоқ вақт давом этадиган кучли зўриқишли ишга бўлган мослашиши билан аниқланади. Спортчи тренировка ва мусобақа фаолиятида маълум бир толиқишини енгид ўтган тақдирдагина унинг чидамлилиги такомиллашади. Жисмоний толиқиши ва чидамлилик асосида мушак фаолиятининг турли хилдаги таъминоти жараёнлари ётганлигини билган ҳолда уларнинг фаолият кўрсатиш даражасини ошириш учун уларга мақсадли таъсир этиш мумкин.

Тренировка нагрузкаси, спортчи организмига таъсир кўрсатиш чораси сифатида, қуйидаги тавсифлар билан белгиланади:

- машқ шиддати;
- машқ давомийлиги;
- тақрорлаш сони;
- дам олиш оралиғи давомийлиги;
- дам олиш хусусияти.

Бажарилаётган машқ шиддати энергия таъминотининг аэроб ва анаэроб жараёнлари нисбати хусусиятига таъсир қўрсатадиган нагруззканинг энг муҳим тавсифи ҳисобланади. Тўртта шиддат зонасини ажартиш қабул қилинган: максимал, субмаксимал, катта, суст.

Машқ давомийлиги уни бажариш шиддатига нисбатан тескари боғлиқликка эга. Иш давомийлигининг 20 - 25 секунддан 4 -5 минутгача кўпайиши билан унинг шиддати кескин камаяди. Машқнинг энергия таъминоти тури унинг давомийлигига боғлиқ.

Анаэробалактат режимдаги машқлар давомийлиги 3-8 секундга, анаэроб-гликолитик режимда 20 секунддан 3 минутгача ҳамда аэроб режимда - 3 минутдан ва кўпроқقا тенг.

Кўп сонли тадқиқотлар натижаларига асосланиб, давомийлиги ҳар хил бўлган максимал жисмоний нагруззкада анаэроб ва аэроб жараёнларнинг умумий энергетик метаболизмга нисбатан ҳиссасини аниқлаш мумкин.

Тегишли натижалар 4-жадвалда келитирлиган.

4 - жадвал

Давомийлиги ҳар хил бўлган максимал жисмоний нагруззкада анаэроб ва аэроб жараёнларнинг умумий қувват сарфланишига кетадиган нисбий улушки

Иш давомийлиги чегараси	Қувватнинг чиқиши			Нисбий улушки	
	анаэроб жараёнлар	аэроб жараёнлар	жами	анаэроб жараёнлар %	аэроб жараёнлар %
10 сек	20	4	24	83	17
1 мин	30	20	50	60	40
2 мин	30	45	75	40	60
5 мин	30	12	150	20	80
10 мин	25	245	270	9	91
30 мин	20	675	695	3	97
60 мин	15	1200	1215	1	99

Машқларни такрорлаш сони уларнинг организмга таъсир қўрсатиш даражасини белгилайди.

Аэроб шароитларда ишлашда такрорлаш сонини кўпайтириш нафас олиш ва қон айланиш органлари фаолиятини юқори даражада узоқ вақт ушлаб туришга мажбур қиласди.

Анаэроб режимда машқларни такрорлаш сони кислородсиз механизмларнинг тугашига ёки марказий асад тизимининг қуршовда қолишига олиб келади.

Дам олиш оралиғи давомийлиги организмнинг тренировка нагрузкасига бўлган жавоб реакцияси ҳажми сингари, унинг хусусиятини ҳам аниқлаш

учун катта аҳамиятга эга. Бунда дам олиш оралиқларида содир бўладиган тикланиш жараёнлари қуидагилардан иборат:

- тикланиш жараёнлари тезлиги бир хил эмас - аввал тикланиш тез кечади, сўнг секинлашади;
- турли кўрсаткичлар хар хил вақтдан кейин тикланади (гетерохронлилик);
- тикланиш жараёнида иш қобилияти ва бошқа кўрсаткичларнинг фазали ўзгариши кузатилади.

Дам олиш оралиғи тикланиш учун етарли бўлган суст шиддатли машқларни бажаришда ҳар бир кейинги уриниш тахминан аввалгисига ўхшаган кўринишда бошланади.

Ушбу ҳолда дам олиш оралиғини камайтиришда босим кўпроқ аэроб босимга айланади, чунки одатда 3-4-минутга келиб вужудга келаётган нафас олиш жараёнлари ҳам ўз кучини сақлаб қолган бўлади.

Максимал ва субмаксимал қувватли машқлардаги дам олиш оралиғини камайтириш нагрузкани анаэроб нагруззага айлантиради, чунки машқ такрорланган сари кислород қарзи ошиб боради.

Дам олиш хусусияти машқлар ўртасида фаол, суст ва аралаш бўлиши мумкин.

Ўқитишининг критик нуктасига яқин бўлган тезликда ишлаш пайтида фаол дам олиш нафас олиш жараёнларини юқори даражада ушлаб туришга ёрдам беради ва ишдан дам олишга ҳамда аксинча ҳолатга кескин ўтишнинг олдини олади. Бу нагрузкани кўпроқ аэроб нагруззага олиб келади. Бундан ташқари, оғир меҳнатдан сўнг фаол дам олиш тикланиш жараёнларини тезлаштиради. Машқлар ўртасида суст дам олиш пайтида спортчи, буткул тинч ҳолатда бўлиб, ҳеч қандай ҳаракатларни бажармайди.

Чидамлиликни ривожлантириш учун қуидаги услублар қўлланилади: бажариладиган машқлар ҳажми ва шиддатини ошириш, ўзгарувчан, оралиқли, ўзгарувчан-оралиқли, такрорлаш.

Ҳажмни ошириш услуби шундан иборатки, жисмоний машқларни бажариш вақти машғулотлардан машғулотга аста-секин ошиб боради. Бу услуг машғулотлар сонини кўпайтиришини назарда тутади.

Шиддатни ошириш услуби жисмоний машқларни бажариш суръати, шунингдек бутунлай машғулот зичлигини машғулотдан машғулотга аста-секин ошибириб боришни кўзда тутади.

Ўзгарувчан услуг шундан иборатки, жисмоний машқлар ҳар хил суръатда бажарилади. Бунда паст суръатда ўтказиладиган вақт бўлаклари машғулотдан машғулотга камайиб, баланд суръатда ўтказиладиганлари ортиб боради.

Оралиқли услуг шундан иборатки, бунда жисмоний машқлар бўлакларга бўлиниб (сериялаб), суст ва фаол дам олиш оралиқлари билан бажарилади. Тренировка вазифалари машқларни бажариш суръати ва давомийлигига, шунингдек курашчининг машқланганлик даражаси ҳамда кайфиятига қараб, иш ҳамда дам олиш оралиқлари давомийлигига қўра ҳар хил бўлиши лозим.

Такрорлаш услуби шундан иборатки, спортчи бир машғулотнинг ўзида ёки бир нечта машғулотда хажми ва шиддатига қўра бир хил бўлган машқларни такрорлайди.

Спорт тренировкаси жараёнида ҳамма услублар бир-бири билан турлича уйғунлаштирилган ҳолда қўлланилади.

Чидамлиликни тарбиялаш самарадорлиги қўп жиҳатдан тренировка жараёнининг оқилона тузилганлиги билан белгиланади. Турли йўналишдаги машқларни бажаришда маълум бир кетма-кетликка амал қилиш ва уларнинг ижобий ўзаро таъсир этишини таъминлаш жуда муҳимдир. қуидаги кетма-кетликка риоя этиш мақсадга мувофиқдир:

- аввал алактат-анаэроб машқлар (тезкор ва тезкор куч), сўнгра анаэроб-гликолитик (куч чидамлилиги учун) машқлар;
- аввал алактат-анаэроб, сўнгра аэроб машқлар (умумий чидамлилик учун);
- аввал анаэроб-гликолитик, кейин аэроб машқлар.

Агар машқлар кетма-кетлиги тескари бўлса, тез тренировка самарасининг ўзаро таъсири салбий бўлади ҳамда бундай машғулот кам фойда беради.

Чаққонлик ва уни ривожлантириш услубияти

Курашчининг чаққонлиги-бу ҳаракатларни назорат қила олиш, беллашувда тўсатдан ўзгариб турадиган вазиятда тез ҳамда аниқ йўл тушиш ва тегишли ҳаракатларни оқилона бажариш қобилиятидир.

Чаққонлик деганда спортчининг координацион қобилиятлари йиғиндиси тушунилади. Шундай қобилиятлардан бири янги ҳаракатларни эгаллаш тезлиги, иккинчиси - тўсатдан ўзгарадиган вазият талабларига мувофиқ ҳаракатларни тез қайта қуриш ҳисобланади.

Чаққонлик спорчини ўргатиш жараёнида ривожлантирилади. Бунинг учун янги ҳаракатларни мунтазам эгаллаб бориш лозим. Чакқонликни ривожлантириш учун ҳар қандай машқдан фойдаланиш мумкин, лекин уларда янгилик элементлари бўлиши шарт.

Чаққонликни ривожлантиришнинг иккинчи йўли машқнинг координацион мураккаблигини оширишдан иборат. Бундай мураккаблик ҳаракатларни юқори даражада аниқ бажариш, уларнинг ўзаро мувофиқлиги, тўсатдан ўзгариб турадиган вазиятга мослигига бўлган талабларни ошириш билан аниqlаниши мумкин.

Учинчи йўли - бу нооқилона мушак кучланиши билан курашиш, чунки чаққонликни намоён қилиш қўп жиҳатдан мушакларни зарур ҳолларда бўшаштириш малакасига боғлиқ.

Киши координациясини ривожлантиришнинг тўрттинчи йўли - унинг гавда мувозанатини ушлаб турини қобилиятини оширишdir. Бундай қобилиятни ривожлантиришнинг бир нечта усувлари мавжуд:

- 1)мувозанатни ушлаб турини қийнлаштирувчи ҳаракатлардаги машқлар;
- 2)акробатика ва гимнастика машқлари;

3)хамма текисликларда бошни тез ҳаракатлантириш ёрдамида бажариладиган машқлар.

А.И.Яроцкий (1971) комплексига (мажмуасига) бешта машқ киради: бошни чапга ва ўнгга буриш; бошни олдинга ва орқага эшиш; бошни ён томонларга эгиш; соат миллари бўйлаб айланма ҳаракатлар; соат милларига қариши томонга айланма ҳаракатлар. Бу машқлар тез суръатда қунига уч марта 10 минутгача бажарилади.

Курашчи чаққонлигини ривожлантиришнинг ҳамма воситаларини иккита бўлимга ажратиш мақсадга мувофиқдир: умумий чаққонликни ривожлантириш воситалари ва маҳсус чаққонликни ривожлантириш воситалари.

Умумий чаққонликни ривожлантириш воситалари умуман ҳаракатланиш тажрибаси ва ҳаракат координациясини бойтишга қаратилган. Маҳсус чаққонликни ривожлантириш воситалари курашчининг ўзига хос маҳсус ҳаракатланиш координациясини ҳамда мусобақа фаолиятининг фавқулодда шароитларида ўзининг ўз ҳаракатларини баҳолай олиш ва қайта куриш қобилиятини такомиллаштиришга қаратилган.

Эгилувчанлик ва уни ривожлантириш услублари

Эгилувчанлик - бу курашчининг катта амплитудада ҳаракатларни амалга ошириш қобилиятидир. Эгилувчанлик бўғимлардаги ҳаракатчанлик билан аниқланади. У, ўз навбатида, бир қатор омилларга боғлиқ: бўғим суякаларининг тузилиши, пайлар, мушаклар чўзилувчанлиги ва уларнинг чўзилиш қобилияти. Бир нечта эгилувчанлик турлари мавжуд.

Фаол эгилувчанлик - бу шахсий мушак кучланишлари ҳисобига ҳаракатларни катта амплитудада бажариш қобилиятидир.

Суст эгилувчанлик - бу ташқи кучлар: оғирликлар, ракиб ҳаракатлари ҳисобига ҳаракатларни катта амплитудада бажариш қобилиятидир.

Суст эгилувчанлик ҳажми фаол эгилувчанликнинг тегишли кўрсаткичларидан юқори.

Динамик эгилувчанлик - динамик хусусиятларга эга машқларда намоён бўладиган эгилувчанликдир.

Статик эгилувчанлик - статик эгилувчанликка эга машқларда намоён бўладиган эгилувчанликдир.

Умумий эгилувчанлик - турли йўналишларда энг йирик бўғимларда катта амплитуда билан ҳаракатларни бажариш қобилиятидир.

Маҳсус эгилувчанлик - курашчининг техник-тактик хусусиятларга тегишли бўғимлар ва йўналишларда ҳаракатларни катта амплитуда билан бажариш қобилиятидир. Чўзилтирувчи машқлар: оддий, пружинали ҳаракатлар, ўзини ушлаган ҳолда силтанишли, ташқи ёрдам билан бажариладиган ҳаракатлар эгилувчанликни ривожлантиришнинг асосий воситалари ҳисобланади.

Бундай машқлар билан шуғулланиш пайтида бир қатор услубий шартларни бажариш лозим:

- 1) машқларни бошлашдан олдин албатта бадан қиздириш машқларини киритиш;
- 2) муайян мақсадларни олдинга қўйиш, масалан, гавда ёки буюмнинг маълум бир нуқтасига қўлни текказиш;
- 3) чўзилтириш машқларини маълум бир кетма-кетлиқда сериялаб бажариш: қўллар учун, гавда учун, оёқлар учун;
- 4) чўзилтириш машқлари сериялари орасида бўшаштириш машқларини бажариш;
- 5) машқларни бажариш пайтида аста-секин уларнинг амплитудасини ошириш;
- 6) машқларни бажаришда шуни ҳисобга олиш лозимки, ҳаракатчанликни ривожлантиришнинг энг асосий услуби - бу тақрорлаш услуби ҳисобланади.

Бир-икки ойда ҳар куни икки марта шуғулланувчиларнинг алоҳида қобилиятларига қараб 25-50 тақрорлашдан иборат меъёрдаги чўзилтиришга қаратилган машқлардан ташкил топган машғулотлар давомида эгилувчанлик анча ўсиши мумкин.

Ўсмир ёшдаги қурашчининг жисмоний тайёргарлиги

Ўсмир ёшдаги жисмоний тайёргарлик тўғри қадди-қоматни, ҳаракатланиш малакаларини шакллантириш, ҳар томонлама жисмонан такомиллаштириш, қурашда техник ҳаракатларни эгаллаш учун зарур бўлган жисмоний сифатларни ривожлантиришни ўз ичига олади.

12-14 ёшда тезкорлик, чаққонлик ва эгилувчанликни ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. 15-16 ёшдаги ўсмирларда куч ривожлана бошлайди ва тезкорлик куч машқларини бажаришга қобилият намоён бўлади. 16-18 ёшда кўп куч ва тезлик талаб этиладиган машқлар осонроқ ўзлаштирилади, чидамлиликни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратилади. Ўсмир қурашчиларни тайёрлашда шуларни эътиборга олиш жуда муҳимдир.

Чидамлиликни бошқа жисмоний сифатлар билан бирга ривожлантириш зарур. Профессор В.П.Филиннинг (1980) таъкидлашича, бу ёшда чидамлиликка қаратилган узоқ вақт давом этадиган ва бир томонли тренировка ўсмирларга хос бўлган тезкорлик нагрузкаларига мослашишни пасайтиради.

12-15 ёшда кучни ривожлантириш асосан ўз массаси оғирлиги, тўлдирма тўплар, гантеллар, гимнастика таёқчалари, шерик (турли оғирлиқдаги) билан ҳамда турли гимнастика спорт анжомларида машқлар бажариш ёрдамида амалга оширилиши лозим.

16-18 ёшдаги қурашчиларда кучни ривожлантирувчи машқлар спорт анжоми оғирлигини ошириш, дастлабки ҳолатни ўзгартириш, машқ бажариш вақтини узайтириш, машқлар орасидаги дам олиш вақтини камайтириш ҳисобига мурак-каблаштирилади.

Ёш ўсмирларнинг чидамлилигини ривожлантиришда эҳтиёткор бўлиш лозим ўртacha нагрузкалар, кичик меъёр ёки дам олиш учун танаффусли ўқув-тренировка беллашувларидан иборат машқлар). Нагрузкаларга

мослашиб борган сари дам олиш танаффуслари қисқартирилади. Масалан, тик туришда 2К2 курашида (навбатма-навбат ҳужумлар ва ҳимоялар) 3 минутлик танаффус аста-секин 1 минутгача қисқартирилади. Партерда 2К2 бўлиб 1 минут танаффус билан навбатма-навбат курашишда тренировка вақтини 3К3 гача узайтирилади. Кейинчалик кураш суръатини кучайтириш мумкин. Чидамлиликни ривожлантириш учун чегараланган жойда бир томонлама қаршилик билан (бiri фақат ҳужум қилади, иккичиси фақат ҳимояланади), партердан юқори ёки тик туришга чиқиш билан кураш ўтказилади. Бу машқлар қийин ҳолатлардан чиқиб кетиш йўлини топишга ўргатади.

Профессор В.П.Филин тадқиқотларининг кўрсатишича 13 ёшда бўғимларда ҳаракатчанлик янгидан ошади, 15 ёшда у энг катта ҳажмга эга бўлади, 16-17 ёшда ҳаракатчанлик кўрсаткичлари камаяди. Шу сабабли ўсмирлик ёшида эгилувчанлик ва бўғимдаги ҳаракатчанлик машқлари мажбурийдир.

12-18 ёшда эгилувчанлик ва бўғимлардаги ҳаракатчанлик буюмларсиз ҳамда кичик оғриқлар билан (гимнастика таёқлари, гантеллар, тўлдирма тўплар) бажариладиган фаол-суст хусусиятига эга машқлар орқали ёки аста-секин ҳаракат амплитудасини кучайтирувчи ва кенгайтирувчи шерик ёрдамида ривожлантирилади. Шунингдек қадди-қоматни шакллантириш машқлари катталарга нисбатан кўп қўлланилади.

Шундай қилиб, ўсмирларнинг ҳар томонлама жисмоний тайёргарлиги кўпгина воситалар ёрдамида амалга оширилади.

Ёш ўсмирлар билан кўпроқ ўйин услуби қўлланилади, машғулотлар турлича ва эхтиросли ўтказилади. Ҳамма машқлар асосий машғулот шакли - дарсда бажарилади.

Ўсмир курашчининг жисмоний тайёргарлигини мақсадли амалга ошириш учун курашдаги ўқув-тренировка жараёнида саф (тартибли) машқлар (сафланиш, буйруқларни бажариш, қадам ташлаб ва югуриб ҳаракатланишлар) қўлланилади. Уларнинг мақсади - кураш машғулотини ташкил этиш, тўғри қадди-қоматни шакллантириш, интизом, ўзаро муносабат ва тартибни тарбиялашдир. Саф машқлари дарснинг кириш, тайёрлов ва якуний қисмида машқларни бажариш учун гуруҳларни ташкил қилиш, сафлантириш ва қайта сафланиш учун, шунингдек нагрузкадан сўнг зўриқишини бартараф этиш мақсадида бажарилади.

Умумий ривожлантирувчи машқлар қаторига оддий гимнастика (қўллар, оёқлар, гавда, оғирликлар билан, оғирликларсиз, буюмлар билан ва буюмларсиз ҳамда шериклар билан) машқлари ва оғир атлетика, эшкак эшиш, спорт ўйинлари каби спорт турларидаги баъзи машқлар киради. Бундай машқлар курашчининг жисмоний ривожланишини яхшилайди, ҳаракат малакалари заҳирасини кенгайтиради, организмнинг фукнционал имкониятларини оширади, иш қобилиятининг тикланишига ёрдам беради.

Умумий ривожлантирувчи машқлар билан бир вақтда асаб-мушак кучланишлари хусусияти ва ўсмир организмининг иш тартибига кўра ўхшаш

бўлган машқларни кўпроқ қўллаш зарур. Турли спорт турларидан олинган машқлар, уларни бажариш хусусияти ва шартларига қараб, жисмоний сифатларни ривожлантиришда турли педагогик вазифаларни ҳал этишга имкон берди.

Асосан куч, чидамлилик, тезкорлик, эгилувчанлик ва чаққонликни тарбиялашга қаратилган машқларни ажратиш қабул қилинган. Оғирликлар билан (таёклар, гантеллар, тўлдирма тўплар ва ҳ.к.) гимнастика машқларини кўп марта бажариш куч чидамлилигини ривожлантиради. Ушбу машқларни катта тезлиқда қисқа вақт ичida бажариш тезкорлик сифатларини ривожлантиришга ёрдам беради.

Хар бир машқ маълум бир сифатни ёки бир гурух сифатларни ривожлантиради. Масалан, шерик қаршилигида ёки штанга билан бажариладиган машқлар, ўз оғирлиги билан тортилиш ҳамда кўлларни букиб-ёзиш машқлари кучни; кесишган жойда югуриш - чидамлиликни; катта тезлик билан бажариладиган гимнастика машқлари, қисқа масофаларга югуриш - курашда ҳаракат тезлигини тарбиялашга ёрдам беради. Баскетбол ўйини чаққонлик, чидамлилик ва тезкорликни комплекс ҳолда тарбиялашга имкон яратади.

Юқори эмоционал қўзғалишда катта бўлмаган шиддат билан бажариладиган умумий ривожлантирувчи машқлар организм иш қобилиятини, айниқса шиддатли машғулотлар ўтказилгандан сўнг асаб тизимини тиклашга ёрдам беради. Улар эрталабки бадан тарбия вақтида ва тренировка машғулотларида дарснинг биринчи бўлагида (тайёрлов қисмида) ҳамда асосий қисм охирида қўлланилади. Бундан ташқари, ўрмонда, далада, дарё бўйида (сузиш, эшкак эшиш ва тўп ўйнаш билан) жисмоний тайёргарлик бўйича маҳсус машғулотларни ташкил қилиб туриш шарт.

Кураш машғулотларида катта жисмоний нагружкадан сўнг организмни нисбатан тинч ҳолатга келтириш учун ўсмирларни мушакларни бўшаштиришга, нафас олишни тинчлантиришга (ўта бўшаштирилган мушакларни силкитиш ҳаракатлари, чукур нафас олиш учун ўпка қафасини кенгайтирувчи машқлар ва ҳ.к.) қаратилган машқларни мустақил бажарига ўргатиш зарур.

Мушакларни бўшаштиришга қаратилган машқлар ҳатто беллашув жараёнида ушлаш ва зўриқишдан ҳоли бўлган қисқа вақт ичida кучнинг янада тез тикланишига ёрдам беради.

АДАБИЁТЛАР

1. Усмонходжаев Т.С. ва бошқалар. “Болалар ва ўсмирлар спорти машғулотлари назарияси ва услубиятлари”. Т:-Илм-зиё., 2006 йил.
2. Юнусов Т.Т., Абдумаликов Р. Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни бошқаришни ташкил этиш йўллари. Т, ЎзДЖТИ, 1992 й.
3. Ярашев К.Д. Жисмоний тарбия ва спортни бошқариш. Дарслик-Т., Ибн Сино, 2002. –224 б.

5-Мавзу: Табиатни соғломлаштириш кучлари.

Режа:

1. Болалар ва ўсмирлар организми ривожланишида қуёш нурларининг таъсири
2. Машғулотлар даврида очик ҳавода жисмоний тайёргарликлар орқали организмни атроф мухитга мослашуви. Организмни кислородга тўйинтириш.
3. Сув – ҳаёт манбай.

1. Болалар ва ўсмирлар организми ривожланишида қуёш нурларининг таъсири

Турли тикланиш воситаларини қўллаш: Тренировка ва тикланиш - ўзаро боғланган ягона жараёндир. Машқланганликнинг ўсиб бориши ва иш қобилиятигининг ортиши фақатгина энергетик сарфлар тикланиш жараёнида қопланган тақдирдагина мумкин бўлади. Тикланиш - бу фақатгина организм функцияларини иш ҳолатига қайтариш эмас, балки ҳаётни таъминлаш тизимини энергетик имкониятларнинг янада янги, юқори даражасига ўtkазишидир.

В.А.Геселевич (1978) маълумотларига қараганда, скелет мушакларида гликоген ва аденоzinтрифосфор кислотасининг (АТФ) дастлабки ҳолатга нисбатан ортиқча тўпланиши етакчи курашчилар мушак ишида тикланишнинг якуний босқичи ҳисобланади.

Нагрузка оғирлигига қараб, гликоген ва АТФ нинг ортиқча тўпланиши ҳар хил муддатларда содир бўлади (максимал шиддатдаги нагруззкадан сўнг 7-9 кунгача).

Соғлиққа зарар етказмай, тренировка жараёнини жадаллаштириш фақат тикланиш тадбирларидан (тиббий-биологик, руҳий, педагогик) фойдаланилган тақдирдагина мумкин бўлади.

Бунда педагогик воситалар асосийси, етакчи ҳисобланади, чунки айнан улар хар бир спортчи режимини ва спортчилар кўп йиллик тайёргарлигининг ҳамма босқичларида нагрузка ҳамда дам олишнинг оқилона уйғунлигини белгилаб беради.

Тикланишнинг педагогик воситалари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- тренировкани оқилона режалаштириш, босимнинг спортчи функционал имкониятларига мос келиши; жисмоний ва техник-тактик тайёргарликнинг умумий ҳамда маҳсус воситаларининг зарур уйғунлиги; тренировка ва мусобақа микро, мезо ва макроцикларини оқилона тузиш, нагрузкаларнинг тўлқинсимонлиги ва вариантлилиги, ихтисослашмаган жисмоний босимлар, иш ва дам олишни тўғри уйғунлаштириш, маҳсус тикланши

микроцикларини киритиш, ўртага тоғ шароитларидаги тренировкадан фойдаланиш;

- толиқишини тез қолдириш мақсадида зарур тикланиш воситаларидан фойдаланган ҳолда алоҳида тренировка машғулотини тузиш; тўлақонли алоҳида бадан қиздириш ва тренировка вазифаларига мувофиқ якуний қисм, машғулотлар жойи, снарядларни тўғри танлаш, дам олиш ва бўшашиш учун маҳсус машқларни киритиш, ижобий эмационал ҳолатни яратиш ва ҳ.к.

Тикланишнинг тиббий-биологик воситалари: Ушбу тизим қуидагиларни ўз ичига олади:

- саломатликни баҳолаш ва ҳисобга олиш; жорий функционал ҳолат тўғрисида экспресс-назорат тартибидаги ахборот;

- биологик қиймати юқори бўлган дори-дармонлар ва маҳсулотлардан фойдаланган ҳолда оқилона овқатланиш;

- допингга қарши назорат талабларини ҳисобга олган ҳолда фармакологик воситалар комплексини қўллаш;

- физиотерапия ва бальнеология услублари (сауна, массаж ва бошқа муолажалар билан бирга);

- ўртача тоғ шароитлари, иқлимий терапия, санатория-курорт услубларидан фойдаланиш ва ҳ.к.

Спортчилар организмида тикланиш воситаларини тезлаштириш омилларидан бири модда алмашинувига йўналтирилган таъсир этиш воситалари ҳисобланади. Бунга турли хилдаги дори-дармонлар ва комплекслар, баъзи фармакологик боғланишлар, юқори даражада биологик қийматга эга маҳсулотлардан фойдаланиш орқали эришилади. Юқори даражадаги биологик қийматга эга маҳсулотлар орасида энг муҳим аҳамиятга эгалари қуидагилар:

- энергетик таъсир этиш дори-дармонлари (карнитинхlorид, па-нангин, глютамин кислотаси, калций - глицерофосфат, кальций-лактат, лицитин, аминолон);

- адаптоген дори-дармонлар (элеутероккок, сапарел, полли-табас);

- қон ҳосил қилувчи стимуляторлар (турли тузлар кўрини-шидаги темир).

Кимёвий таркиби ва фармакологик таъсирига кўра турлича бўлган дори-дармонлар маълум бир тизимли ёндашишни ва уларни мутахассис раҳбарлиги остида оқилона қўллашни тақазо этади. Йозирги пайтда мутахассислар турли фармакологик дори-дармонларни “Аэропит”, “Декамевит”, “Ундивит” витаминалари ҳамда юқори биологик қийматга эга маҳсулотлар (оқсилли печенье, углеводли-минерал ичимликлар ва бошқ.) билан қўшиб фойдаланиш тактикасини ишлаб чиқканлар.

Дори-дармонларни қўллаш тактикаси қуидаги муҳим омилларга боғлиқ ҳолда қурилади:

Дори-дармонларни тренировка даврлари бўйича (ўтиш, тайёргарлик ва мусобақа) ва асосий мусобақаларга бевосита тайёргарлик даврида қўллаш.

Тренировка микроцикларида воситлар комплексини тайинлашнинг тамойилли схемаси.

Ўртача тоғ шароитларида тайёргарликнинг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олиш.

Нагрузка оширилганда асосий дори-дармонлар дозасининг кўпайтирилиши назарда тутиладиган алоҳида комплексларни танлаш ва қўшимча дори-дармонларни киритиш ҳамда битта воситаларни бошқаси билан алмаштириш.

Маълум бир тайёргарлик босқичида у ёки бу спортчи олдига қўйилган маҳсус педагогик вазифаларни ҳал этиш.

Спортчи ёши ва стажини ҳисобга олиш.

Олдин қўлланилган дори-дармонларга бўлган таъсирни ўрганиш.

Юқорида айтиб ўтилган омилларга қараб, дори-дармонларни муайян ҳолда қўллаш тегишли соҳа мутахассисларини (врачлар, физиологлар, биокимёчилар ва фармакологлар) қатъий назорати остида ўtkазилиши лозим.

2. Машғулотлар даврида очиқ ҳавода жисмоний тайёргарниклар орқали организмни атроф мухитга мослашуви. Организмни кислородга тўйинтириш.

Уйқуни меъёrlаштириш учун воситаларни қўллаш: Юқори малакали курашчилар ўртасида ўтказилган анкета савол-жавоби натижасида олинган маълумотлар ҳамда тренировка жараёнидаги динамик тадқиқотлар материалларига кўра спортчиларнинг уйқуси бузилиши кўп марта кузатилган. Катта ва шиддатли нагруззали тренировка даврида уйқусизлик 35% курашчиларда, вазн йўқотиш даврида - 59% курашчиларда, эмоционал-рухий зўриқишида эса 67% ҳолларда кузатилади.

Уйқусизликда уйқу ҳолатига қулайгина ўтиш учун қуйидагича тавсиялар берилади: кечки соатларда асаб тизимининг қўзғалувчанлигини камайтириш лозим. Бунинг учун очиқ ҳавода тинч сайд қилиш, уйқудан олдин камида 2-3 соатдан кечиктирмай овқатланиш лозим. Кечасига аччиқ чой ичишдан воз кечиш зарур. Уйқудан олдин хонани шамоллатиш фойдалидир. Қулай бўлган ўринда ухлаш тавсия қилинади. Илик (иссиқ эмас), иложи борича арчали экстрат билан тайёрланган ванна яхши самара беради. Бир қатор ҳолларда оёқларнинг совук қотиши ухлашга ҳалақит беради. Бундай ҳолларда кечасига пайпок кийиб ётиш ёки оёқларга иситгич (грелка) қўйиш зарур.

Кўрсатиб ўтилган оддий воситалар билан бир қаторда медикаментоз дори-дармонлар, электр уйқу, руҳий бошқариш, руҳий-мушак тренировкаси ва х.к. қўлланилади.

Уйқуни меъёrlаштириш учун қуйидаги фармакологик дори-дармонлар қўлланилади:

Валериана - гипоталамусга таъсир кўрсатувчи енгил дори-дармонларга киради. Вегетатив асаб тизими ташвишни олади, салбий таъсир кўрсатмайди.

Валокордин - юрак уриши билан асабийлашиш ҳолатларида қўлланилади. Стартдан олдинги ҳолатда фойдаланиш мумкин.

Турли уйқу дориларининг таъсир кўрсатишини кучайтирувчи воситалар, шунингдек уйқу берувчи самарага эга дори-дармонлар сифатида димедрол, супрастин, тавегил ва бошқ. қўлланилади.

Агар тренировка жараёнида спортчилар иш қобилиятини тиклаш тизимида умумий массажнинг таъсири аввалдан ўрганиб келинган ва у кенг тарқалган бўлса, бевосита беллашувлар ўртасидаги танаффусда иш қобилиятини ошириш муаммоси етарлича ўрганилмаган. Бу беллашувнинг давом этиш вақти, беллашувлар ўртасидаги ва беллашувлардаги дам олиш танаффуслари давомийлигини тартибга солувчи қоидаларнинг кўп марта ўзгартирилиши билан тушунтирилади.

Қисқа дам олиш ичida мураккаб турнир вазияти ва руҳий зўриқиши шароитларида секундантлик қилиш, кўпинча эса биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда тикланишга кўмаклашиш масалаларини ҳал этиш лозим.

Бир қатор мутахассислар томонидан (В.А.Геселевич, Г.К.Бакушев, И.Е.Давлетшин) беллашув танаффусида қуйидаги тикланиш тадбирлари схемаси тавсия қилинади. Беллашув даври тугагандан сўнг курашчи стулга ўтиради ва унга суюнади. Оёқлар текисланади, бўшаштирилади, товоналар полга (гиламга) тегиб туради.

Тренер, массажчи ёки тайёрланган спортчи қўли билан навбатма-навбат курашчи оёқларини кўтариб, елкасига жойлаштиради. Єўлларни бўшаштиришга эса уларга горизонтал ҳолат бериш билан эришилади. Бунинг учун массаж қилувчи иложи борича столга яқин келиб, тиззаларида туради.

Фаол ва суст гипервентиляция ҳамда курашчи юзи ва гавдасини хўл сочиқ билан артишдан сўнг юқори елка камаридан массаж қилишни бошлаш лозим. Асосий усуслари - ярим айланали, навбатма-навбат уқалаш. Усуслар икки қўллаб бажарилади (қўл кафтлари бир-бирига параллел жойдаштирилади ва қарама-қарши томонга ҳаракатлантирилади). Шу усул икки ва учбошли елка мушакларини массаж қилиш учун ҳам фойдаланилади.

Елкани букувчи ва ёзувчи мушаклар учун уқалаш усули қўлланилади. Массажчи уни тик турган ҳолда иккала қўл кафтини параллел ҳолда узатиб, қарама-қарши томонга ҳаракатлартиради.

Ишлаган мушакларнинг зўриқиши (“шишиб кетиш”) даражасига қараб, кўндалангига битта ёки иккита қўл билан тўхтовсиз уқалаш қўлланилади. Муайян ҳолда (беллашув даврида) асосан нагрузzkани қўтарадиган оёқ-қўлларга (мушаклар гурухига) енгил массаж қўлланилади. Юзаки силашдан сўнг чуқур қамровчи силашни бажариш мумкин. Оёқ-қўллар сезиларли даражада шишган ва мушаклар зўриқкан пайтда ҳамда вақт етарли бўлса, елка яна бир бор уқаланади. Уқалашдан сўнг силташ бажарилади.

Елкани букувчилар ва ёзувчилар қўпроқ шишади. Бу кўпинча кескин оғриқлар ва куч имкониятлари ҳамда иш қобилиятининг сусайиши билан

кузатилади. Ушбу ҳолат курашчиларда биринчи беллашувдан сўнг, айниқса, кўпроқ вазни йўқотиш пайтида ҳамда сув-туз алмашинуви бузилганда, кам ҳаракатли беллашувларда, ушлаб олиш учун курашишда юзага келади.

Қўлларни массаж қилишдан сўнг (вақт етарли бўлган тақдирда) буйинни массаж қилиш усуллари бажарилади. Массаж қилувчи курашчи ўтирган стул орқасида туриб, қўлларини олмасдан энса ва бўйин юзасини елка усти томон шошилмай силайди (2-3 усул).

Кейин ўпкаларнинг сустгина гипервентиляцияси бажарилади. Стул орқасида турган ҳолда массаж қилувчи бўшаштирилган иккала қўлларни тирсакларидан ушлаб, уларни юқорига кўтаради (“нафас ол” деб) ва пастга туширади (“нафас чиқар” деб).

Оёқларни массаж қилиш танаффусларда камдан-кам бажарилади. Алоҳида ҳолларда уқалаш ва силташ усуллари қўлланилади.

Беллашув танаффусидаги массаж жуда нозик ва мураккаб ишdir. У массаж қилаётган шахсдан катта билим, хар томонлама тайёргарлик ва мунтазам ижод қилишни тақазо этади.

Тикланиш тадбирларининг самарадорлиги иккита массажчининг ўзаро келишилган иши билан кучайтирилиши мумкин. Тренер-секундант иккинчи массажчи бўлиши мумкин. У бир вақтнинг ўзида тегишли руҳий терапияни олиб боради, беллашувнинг кейинги тактикаси тўғрисида кўрсатмалар беради ва ҳ.к.

Функционал мусиқа тикланиш воситаси сифатида: Функционал мусиқа курашчиларнинг эмоционал доираси ҳамда иш қобилиятига таъсир этиш услубларидан бири ҳисобланади.

Функционал мусиқа спорт фаолиятида турли шароитларда қўлланилади ҳамда кутиб олиш, ҳосил қилиш, етакчи, тинчлаштириш ва кузатиш турларига ажратилади (Ю.Г.Каджаспиров, 1976). Тикланиш мақсадида асосан ёқимли ва паст оҳангдаги тинчлантирувчи мусиқа, қушлар куйи, денгиз ёки ирмоқ шовқини, баргларнинг, ёмғирнинг шитирлашини билдирувчи товушлар ҳамда бошқа маромли оҳанглар қўлланилади.

Тинчлантирувчи мусиқа эмоционал зўриқиши камайтиради, толиқиши юмшатади, спортчилар диққатини чалғитади. Бу паст мусиқа тикланиш мақсадида кураш залида ва бошқа дам олиш хоналарида янграши мумкин. Маромли (ритмик) мусиқа остида бўшашиш ва турли хил нафас олиш машқларини ўтказиш мумкин. Шахсий магнитофонга ёзib олинган ёки маҳаллий радио - тармоқ орқали узатилаётган тинчлантирувчи мусиқа алоҳида қулоқликлар ёрдамида қундузги дам олиш пайтида, кечки уйқудан олдин, тренировка машғулотлари ўртасида спортчилар ўрнашган жойда қайта эшиттирилиши мумкин. Уни руҳий бошқариш ва руҳий мушак тренировкаси, руҳий терапия билан бирга қўшиб олиб бориш ҳам мумкин.

3. Сув – ҳаёт манбай.

Ҳар бир тренер етарли даражада психолог бўлиши, спортчилар фикри ва хиссиётларини тушуниш қобилиятига эга бўлиши ҳамда зўриқишли

тренировка жараёни, мусобақа фаолияти шароитларида уларнинг ҳолатини бошқара олиши лозим.

Спортчиларнинг руҳий ҳолати ва фаолиятини юқори даражада бошқариш учун сўз катта таъсир кўрсатади.

Фақатгина сўздан тўғри фойдаланилганда гина ва ҳар бир спортчига алоҳида ёндашилган тақдирдагина, тренер-курашчи тизими муваффақиятли амал қилиш мумкин. Курашчи ушбу тизимнинг асоси ҳисобланади.

Тренер томонидан амалга ошириладиган бошқаришнинг руҳий-педагогик воситаларини кўриб чиқаётib, шу нарсани кўрамизки, уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборатdir: ишонтириш, тушунтириш ва сингдириш. Руҳий терапия сифатида тетик ҳолатда уларни қўллаш, биринчи навбатда, тренер, врач, психолог, раҳбарнинг сўз орқали таъсир этишини назарда тутади. Уларнинг сўзлари бевосита иккинчи сигнал тизимига ва шу орқали у ёки бу соматик механизmlарга таъсир қиласди.

Сўз орқали таъсир кўрсатишни қўллаётib, курашчининг юқори асаб тизими типини ҳисобга олиш лозим. Фикрловчи спортчиларга мантиқий тушунтириш кўпроқ тўғри келади, бадиий типдаги курашчиларга сингдириш катта таъсир кўрсатади.

Спортчига сўз орқали таъсир кўрсатишни қўллаётib, педагогик ва спорт ахлоқи масалаларига алоҳида эътибор бериш лозим. У жамоа раҳбариюти, тренерлар, бошқа мутахассислар ҳамда хизмат кўрсатувчи ходимларнинг тренировка жараёни самарадорлигини оширадиган, ҳамма омиллардан максимал фойдаланишга қаратилган ҳатти-ҳаракатларнинг юксак маънавий тамойилларидан иборат. Руҳий бошқариш тренировкаси (РТБ) ва руҳий мушак тренировкаси (РМТ) кўринишидаги аутоген тренировка (АТ) ўз-ўзини бошқаришнинг руҳий услублари орасида энг кенг тарқалган ҳисобланади. Аутоген тренировканинг энг оддий ва самарали варианти - бу руҳий мушак тренировкаси, унинг тинчлантирувчи қисмидир. Тинчлантирувчи қисмининг асосий тавсияси - тетиклик даражасини пасайтириш - бўшаштириш (релаксация) ҳамда курашчининг жисмоний ва маънавий кучини тиклашдир.

Тинчлантирувчи қисмдан ташқари РМТ фаоллаштирувчи (сафарбар этувчи) қисмга эга. Унинг мақсади курашчининг зарур дақиқада оптималь жанг қилиш ҳолатини эгаллашига қаратилган.

Турли тайёргарлик даврларида руҳий-педагогик воситалар ҳамда тикланиш услубларини қўллаш ҳар хил вазифаларни ҳал этади.

Тайёргарлик даврида қуйидаги вазифалар ҳал этилади: дам олиш ва ҳордик чиқаришни ташкил қилиш, РМТ нинг жамоали сеанслари, руҳий терапевтик сухбатлар ва ҳ.к.

Курашчилар дам олиши ва ҳордик чиқаришини режалаштириш тренировка нагрузкалари динамикаси ҳамда маданий-оммавий, ижтимоий-сиёсий ва руҳий терапевтик тадбирлар комплексини ўтказиш билан боғланиши лозим.

РМТ нинг жамоали сеанслари мусобақаларга тайёрлашда катта самарадорликка эга. Улар психолог ва тренер раҳбарлигига спорт залида

машғулотлар ўртасидаги танаффусларда ўтказилади. Улар тренировка жараёнидаги эмоционал зўриқиши бартараф этиш ва тикланиш учун кўлланилади. Шунингдек бевосита тренировка тугаши билан тўғридан-тўғри кураш гиламида тикловчи уйқу - дам олиш кўлланилиши мумкин. РМТ сеансида 10 минутлик дам олиш - уйқудан сўнг юрак қисқариши тезлиги 43% га пасаяди ва эмоционал зўриқиши қўрсаткичи (дастлабки натижаларга нисбатан) 2,8 марта камаяди. Бу тикланиш даврининг ўта тезлашганлиги ҳамда жадаллашганлигини қўрсатади, бу эса бир кунда 2 ва 3 марта бўладиган тренировкаларда жуда муҳимдир.

Ухлаш олдидан алоҳида ва гуруҳ билан суҳбатлашишларни ўтказиш юқори руҳий терапевтик самара беради. У РМТ нинг тинчлантирувчи қисми билан яқунланади.

Суҳбатлар мавзуси тайёргарлик босқичи ва спортчилар ҳолатига қараб танланади.

Психолог, тренер ва врач суҳбат жараёнида “руҳий кузатувчанлик” дан фойдаланган ҳолда ўз қарашларини шакллантирадилар, унинг ёрдамида муайян курашчининг асаб-руҳий ҳолати тўғрисида кундалик ахборот оладилар.

Курашчиларни ишонтираётib, уларнинг ҳатти-ҳаракатлари ва ташвишланишларининг баъзи томонларини асосланган ҳолда танқид қилиш лозим. Бунда курашчиларда ижобий ҳиссиётлар ўз аҳволини яхшилаш ҳамда юқори натижага эришишга бўлган ишонч сабабли пайдо булади.

Тренер ва врачнинг яна энг муҳим вазифаси курашчиларнинг шахсий, ижтимоий ва спорт фаолиятидаги, тўқнашувли вазиятлардаги муносабатларни меъёrlаштириш ҳамда юмшатиш хисобаланди.

Руҳий-педагогик услублар физиотерапевтик таъсир этиш, массаж, сауна билан мусиқа жўрлигига комплекс ҳолда кўлланилаганда, уларнинг тиклаш таъсири анча кучаяди.

Ташкилий, ижтимоий-сиёсий ва маданий-оммавий тадбирлар курашчилар руҳиятига катта тинчлантирувчи таъсир қўрсатади. Бевосита масъулиятли мусобақалар олдидан вазифаларни қўйиш, қўрсатмалар бериш мақсадида ташкилий йиғилишларни ўтказиш ўзини окламайди. Кўрсатма бериш мақсадида ўтказиладиган бундай йиғилишлар ўқув-тренировка йигини бошида ўтказилиши лозим.

Турнир яқинлашган сари бундай тадбирлар янада руҳий профилактик хусусиятга эга бўлиши, курашчининг энергияси ва асаб имкониятлари тўпланишига ёрдам бериши лозим.

Руҳий зўриқиши бартараф этиш учун курашчиларнинг ўзлари тайёrlаган бадиий ҳаваскорлик концертлари катта аҳамият касб этади. Бу жамоа аъзоларининг ўз-ўзини ижодий ифодалашга ва жамоадаги ҳиссиётли етакчи спортчини аниқлашга, қулай руҳий мухитни шакллантиришга ёрдам беради.

Мусобақа даврида асосий вазифалар руҳий зўриқиши олдини олиш билан боғлиқ. Тинч тренировка вазиятини яратиш ва ортиқча эмоционал

кўзғалувчанликни йўқотиш учун мусобақаларга бевосита тайёргарлик даврида қуидаги ташкилий тадбирлар муҳим аҳамиятга эга:

Бир-бирига рақиб бўлган, бир хил вазн тоифасида қатнашадиган, катта вазни йўқотаётган спортчиларни битта хонада жойлаштираслик лозим. Ажратиб жойлаштириш масалаларини шахсий ўзаро муносабатлар, руҳий жихатдан мос келиш хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ҳал этиш лозим.

Юқори миқёсдаги мусобақаларда иштирок этиш учун асосий таркибни аниқлаш бўйича масалаларни ўз вақтида ҳал этиш зарур. Мусобақаларга бевосита тайёргарлик босқичи бошида саралашни якунлаш ва асосий ҳамда заҳирадаги қатнашчиларни расман эълон қилиш лозим. {аммага маълум бўлиши лозимки, номзод фавқулодда ҳолларда (асосий курашчининг касал бўлиши, жароҳат олиши ёки машқланганлик даражасининг анча ёмонлашуви) асосий таркибга киришга тайёр туриши зарур.

Ушбу босқичда тез-тез саралаш ва назорат беллашувларини ўтказиш нафақат режали тайёргарликни бузади, балки курашчиларга олдинда турган турнирга энергияни тўплашга имкон бермайди, бир-бири билан рақобатлашиш натижасида уларнинг асаб-эмоционал шашти бекорга сарфланади.

Саралашни анча олдин муддатларда ўтказиш тўғрироқдир.

Мусобақаларга бевосита тайёргарлик босқичида қийин турнирга тайёрланаётган курашчиларнинг асаб энергиясини саклаш мақсадга мувофиқдир. Йирик мусобақаларга яқинлаштиришнинг шунга ўхшаш тамойили заҳирада турган ёшлар учун фойдалидир. Маълумки, асосий таркибга киритилмаганлигидан хабардор бўлган спарринг-шериклар ўзлари ва ўртоқларига тренировкада катта фойда келтирадилар. Чунки улар бир нарсадан қўрқиshmайдики, уларнинг фаол ҳужум ҳаракатлари, тажрибали комбинациялари, таваккалчилиги мағлубият баллари билан жазоланмайди. Тренерлар бу балларни курашчи фойдасига ҳал этмасликлари мумкин. Акс ҳолда ҳар бир тренировка кескин мусобақага айланади ва асаб энергиясининг сарфланишига олиб келади.

Биринчи мусобақа беллашуви олдидан курашчиларнинг асаб энергиясини саклашга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Мутахассисларнинг кузатишича, курашчилар турнирнинг биринчи кунида руҳий зўриқиши биринчи беллашувга чиқищдан анча олдин старт олди талвасаси даражасига етади. Кўпинча бу тортилиш пайтида кузатилади, қуръа ташлагандан сўнг ёки мусобақа ўтказиладиган жойга етиб келиш билан кучаяди.

Мусобақаларнинг биринчи кунида руҳий-педагогик воситаларнинг асосий вазифаси курашчиларнинг асаб энергиясини саклаш ҳисобланади. Бунинг учун ҳам жамоали, ҳам алоҳида бошқариш воситаларидан фойдаланиш лозим.

Моҳирлик билан секундантлик қилиш ҳам катта аҳамиятга эга. Секундантлик қилиш санъати курашчини ўта эҳтиёткорлик билан бошқариш мақсадида унинг руҳий ҳолатини тушуниш ва сезирлик билан диагностика қилишдан иборат. Шуни ҳисобга олиш лозимки, баъзи курашчилар

секундантларга муҳтоҷ эмаслар ва уларда беллашувнинг бориши тўғрисида ўз фикрлари мавжуд. Баъзан бир қатор курашчиларда мазкур теренерга мослашмаслик ва унга ишонқирмаслик ҳосил бўлади. Секундантлик қилишнинг асосий қоидаси - курашчига беллашув пайтида мустақил фикрлашга имконият бериш, ўта руҳий зўриқиши юкини бартараф этиш, агар керак бўлса, спортчини қўзғалишга йўналтиришдир. Танаффус пайтида биринчи навбатда курашчини тинчлантириш лозим ва шундан сўнг, яъни унинг ҳолати меъёrlаша бошлагандан кейин олдинда турган даврга аник ва қисқа кўрсатма бериш лозим. Бунда спортчининг алоҳида хусусиятлари, унинг ҳолати ҳамда беллашув давомида юзага келадиган вазиятни ҳисобга олиш зарур.

Шуни назарда тутиш лозимки, ҳар бир киши ҳам тренер-секундант бўла олмайди. Бу ишда юксак даражадаги спорт маданияти, тажриба ва билим, хотиржам, ўзини тута олиш, фикрлай олиш, турнир беллашувларидаги мураккаб вазиятларда ўзини йўқотиб қўймаслик, старт талвасасига тушмаслик катта аҳамиятга эга. Секундант шу нарсани аниқ билиши лозимки, “бировни бошқаришни билиш учун биринчи навбатда ўзини бошқаришни билиш зарур”. Бунинг учун тайёргарлик ва мусобақаларни ўтказиш жараёнида секундантлик қилишга тайёрланаётган тренер руҳий ўз-ӯзини бошқариш воситаларидан фойдаланиши ҳамда психолог ва врач назорати остида бўлиши керак.

АДАБИЁТЛАР

1. Усмонходжаев Т.С. ва бошқалар. “Болалар ва ўсмирлар спорти машғулотлари назарияси ва услубиятлари”. Т:-Илм-зиё., 2006 йил.
2. Юнусов Т.Т., Абдумаликов Р. Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни бошқаришни ташкил этиш йўллари. Т, ЎзДЖТИ, 1992 й.
3. Ярашев К.Д. Жисмоний тарбия ва спортни бошқариш. Дарслик-Т., Ибн Сино, 2002. –224 б.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Спортда қўлланиладиган услубларни айтиб беринг.
2. Ҳаракат фаолиятига ўргатиш услублари.
3. Ҳаракатни қисмларга бўлиб ўргатиш услуби.
4. Мусобақа услуби.
5. Мушак кучи деганда нима тушунилади?
6. Мушаклар ишининг қандай тартибларини биласиз?
7. Куч қобилияtlарининг қандай турларини биласиз?
8. «Шахсий куч қобилияtlари»ни ифодаланг.
9. «Тезлик-куч қобилияtlари»ни ифодаланг.
10. «Портлаш кучи» тушунчасини ифодаланг.
11. Куч қобилияtlарининг асосий жиҳати нимада?
12. Куч градиенти қандай формула билана ниқланади?
13. Қандаймушактўқималарисизгамаълум?
14. Куч қобилияtlарини ривожлантиришда қандай воситалар қўлланилади?
15. Куч қобилияtlарини ривожлантиришнинг қандай усулларини биласиз?
16. Максимал уринишлар усулини таърифланг.
17. Чегаравий бўлмаган такрорий уринишлар усулини таърифланг.
18. Изокинетик уринишлар усулини таърифланг.
19. Динамик уринишлар усули хусусиятларини очиб беринг.
20. «Тезлик» атамаси нимани англатади?
21. Оддий таъсирга таъриф беринг.
22. Жисмоний тарбия тушунчасига таъриф беринг.
23. Спорт тушунчасига таъриф беринг.
24. Таълим функцияси қайси функцияга киради?
25. Спорт функцияси қайси функцияга киради?
26. Жисмоний баркамоллик деганда нималарни тушunasiz?.
27. Жисмоний тарбия тизимининг илмийлиги нимага йўналтирилган?
28. Жисмоний машқлар деб нимага айтилади?
29. Жисмоний тарбиянинг асосий воситаси нимадир?
30. Табиатнинг соғломлаштирувчи кучларига нималар киради?
31. Гигиеник омилларга нималар киради?
32. Жисмоний машқлар қандай туркумларга бўлинади?
33. Жисмоний машқлар техникаси деб нимага айтилади?
34. Таълим жараёнида онглилик ва фаоллилик

ГЛОССАРИЙ

Тушунчалар ва атамашунослиқда ҳар қандай фанни ўрганиш ва ўқитиши предмети очиб берилади, фанда түпданаётган билимлар жамланади. Агар тушунча түлиқ таърифга эга бўлса, яъни уни тузиш ҳамда ишлатиш фарқлари ва усуллари мезонларининг қисқа ифодаси берилса, бундай тушунча түлиқ ҳисобланади. Спорт курашида фойдаланиладиган қуидаги асосий тушунчалар ва атамаларни таърифлашда шу нарсага эътибор қаратиш лозимки, илмий-усулий адабиётлар ҳамда амалиётда уларнинг ягона таърифи йўқ.

Курашчилар тайёргарлиги тизими - яхлит бирликни ташкил қилувчи ва мақсадга эришишга йўналтирилган ўзаро боғлиқ бўлган элементлар ийғиндисидир, яъни бу жаҳоннинг кучли курашчиларининг модел тавсифларига жавоб бера оладиган ва энг юқори натижаларни кўрсатишга қодир спортчиларни тайёrlашга қаратилган тадбирлар комплексидир.

Курашчининг тренировкаси - бу тайёргарлик тизимининг таркибий қисмидир, юқори спорт натижаларига эришишга қаратилган тизимластирилган воситалар ҳамда услублар ёрдамида спортчи ривожланишини бошқаришнинг педагогик жиҳатдан ташкил этилган жараёнидир.

Тренировка фаолияти - тренировка мақсадларига муваффақиятли эришиш бўйича тренерлар жамоаси ҳамда курашчиларнинг биргаликдаги фаолиятидир.

Спорт мусобақалари - курашчи тайёргарлиги тизимининг таркибий қисмидир. Улар тренировка мақсадлари ҳамда унинг самарадорлиги мезони бўлиб хизмат қиласи, бошқа томондан эса, улар маҳсус мусобақа тайёргарлигининг самарали воситаси ҳисобланади.

Спортчининг техник тайёргарлиги - курашчининг мусобақа фаолиятида юқори ишончлилигини таъминлайдиган ҳаракат малакаларини эгаллашга қаратилган педагогик жараёндир.

Спортчининг тактик тайёргарлиги - мусобақа фаолиятида техник ҳаракатларни оқилона қўллаш малакасини эгаллашга қаратилган педагогик жараёндир.

Курашчининг жисмоний тайёргарлиги - жисмоний қобилиятларни ривожлантириш ва функционал имкониятларни ошириш, техник-тактик ҳаракатларнинг самарали эгаллашни таъминлайдиган ҳамда мусобақа фаолиятида юқори даражадаги ишончлиликка ёрдам берадиган таянч-ҳаракат аппаратини мустаҳкамлашга қаратилган педагогик жараёндир.

Курашчининг руҳий тайёргарлиги - маънавий, ирода ва спорт курашининг ўзига хос хусусиятларига мос бўлган ҳамда мусобақа фаолиятида юқори даражадаги ишончлиликни таъминлашга қодир руҳий сифатларни тарбиялашга қаратилган педагогик жараёндир.

Курашчининг назарий тайёргарлиги - спортчини тренировка ва мусобақа фаолияти самарадорлигини оширадиган маҳсус билимлар билан куроллантириш.

Курашчининг интеграл тайёргарлиги - самарали мусобақа фаолиятини таъминлаш мақсадида техник, тактик, руҳий, назарий ва жисмоний тайёргарлик бўйича тренировка таъсирларининг интеграциялашувига қаратилган педагогик жараёндир.

Тренировка нагрузкаси - машғулотлар жараёнида курашчига тренировка орқали таъсир кўрсатишнинг сон кўрсаткичларини акс эттирувчи тренировканинг таркибий қисмидир.

Мусобақа нагрузкаси - мусобақа фаолияти ҳажми ва шиддатининг сон микдоридир.

Курашчининг асосий ҳолатлари

Курашчининг асосий ҳолатлари - спорт тайёргарлиги жараёнида курашчилар томонидан қўлланиладиган ҳолатлардир.

Тик туриш - кураш олиб бориш учун зарур бўлган, курашчининг тик оёқларда турган ҳолатидир. Ўнг, чап томонлама, ялпи, паст ва баланд тик туриш ажратилади. Улар яқин, ўрта ва узоқ масофалардан туриб қўлланилади.

Ўнг томонлама тик туриш - курашчининг (ракибга нисбатан) ўнг оёғини олдинга чиқариб турган ҳолатидир.

Чап томонлама тик туриш - курашчининг чап оёғини олдинга чиқариб турган ҳолатидир.

Ялпи тик туриш - курашчининг тик туришдаги ҳолати бўлиб, бунда унинг оёқ кафтлари гавдасининг ялпи текислигига туради.

Баланд тик туриш - тик туришда бутун бўйи билан ёки бир оз эгилган ҳолда турган курашчининг ҳолатидир.

Паст тик туриш - курашчининг тос ва сон бўғимларида букилиб (оёқларни тиззалардан буккан ҳолда) тик туришдаги ҳолатидир.

Партер - курашчининг қўллари билан гиламга тирадиб, тиззаларда турган ҳолатидир.

Партерда пастдаги ва юқоридаги курашчи ҳолатлари ажратилади.

Кўпприк - шундай ҳолатки, бунда курашчи, эгилиб, пешонаси ҳамда елка кенглигига ёзилган оёқ кафтлари билан гиламга тиради.

Курашчининг техник ҳаракатлари

Кураш техникаси - курашчининг ғалабага эришиш учун қўлланиладиган, қоидаларда рухсат берилган ҳаракатлари йиғиндисидир.

Усул - курашчининг ғалабага ёки рақиб устидан устунликка эришиш учун хужум қилинаётган курашчи ҳолатини гиламга нисбатан ўзгартиришга қаратилган ҳаракатидир.

Ҳимояланиш - курашчининг хужум қилувчи томонидан амалга оширилаётган усулни тўхтатиб қолишга қаратилган ҳаракатидир.

Қарши усул - курашчининг рақиб усулига қарши жавоб усулини бажаришга қаратилган ҳаракатидир.

Боғланиш - тик туриш ҳолатидан бошланиб партер ҳолатига ўтиш ёки аксинча тартибда бажариладиган усуллар уйғунлигидир.,

Тўхтатиб қолиш - курашчининг рақиб ҳужумини тўхтатиб, кейин уни хафли ҳолатга ўтказишга қаратилган ҳаракатидир.

Босиб туришлар - курашчининг кўприк ҳолатида турган рақиб курагини гиламга текказишга қаратилган ҳаракатидир.

Ташлашлар - тик туриш ёки партерда рақибни гиламдан кўтариш билан бажарилган ва уни хавфли ҳолатга тушириб қўядиган усуллардир.

Ўтказиш - тик туришда усулни бажариш йўллари, бунинг натижасида ҳужум қилувчи рақибини партерга турғазади.

Ағдариш - бу усуллар натижасида курашчи, рақибни гиламдан кўтармасдан туриб, уни хафли ҳолатга тушуриб қўяди.

Ўгиришлар - партердаги усуллар, уларни амалга ошириш натижасида курашчи рақибни гилмадан қўтартмаган ҳолда уни орқаси билан гиламга ағдаради.

Ушлаб туришлар - курашчига рақибни гиламда орқаси билан ётган ҳолатда ушлаб туришга ёрдам берадиган усуллар.

Юқорига чиқиб олишлар - партерда пастдаги ҳолатда турган курашчига юқоридаги ҳолатга ўтиб олишга ёрдам берадиган усуллар.

Оғриқ берувчи усуллар - бўғимни қайириш, қаттиқ букиш ёки пайларни эзиш билан боғлиқ бўлган усуллардир, улар натижасида рақиб оғриқларни хис қиласи.

Бўғишлиар - бўйинни қисиши билан боғлиқ бўлган усуллар, улар натижасида рақиб бўғилишни хис қиласи.

Курашчининг тик туришдаги асосий ҳаракатлари

Силтаб - ҳаракат бўлиб, унинг натижасида курашчи рақибни кескин буриб, унинг орқасига ўтиб олади.

Қўл тагидан ўтиб- ҳаракат бўлиб, унинг натижасида курашчи рақибнинг қўли тагидан ўтиб, орқасига туриб олади.

Айланиб - курашчининг айланиб бажарадиган ҳаракати.

Чўккалаб - ҳаракат бўлиб, бунда курашчи оёқларини олдинга узатиб ўтириш орқали рақиб орқасига ўтиб олади.

Ағдариш

Зарба билан - ҳаракат бўлиб, унинг натижасида курашчи гавдаси ва қўллари билан рақибни туртади.

Қайириб - курашчининг ҳаракати бўлиб, унинг натижасида рақиб ўз бўйи ўқи атрофида бурилади.

Ташлашлар

Олдинга энгashiб - усул бўлиб, унинг натижасида рақибни гиламдан кўтариб, вертикал ҳолатдан горизонтал ҳолатга ўтказади.

Елкадан ошириб (бурилиб) - усул бўлиб, бунда курашчи рақибни қўллари, қўл ва оёғи, боши ва оёғи, киймидан ушлаб олиб, тутиб турган елкалардан ошириб гиламга ташлайди.

Орқадан ошириб (ёқадан) - усул бўлиб, бунда курашчи рақибга орқаси билан бурилиш ва кейин олдинга эгилиб ёки олдинга йиқилиш ҳисобига ҳаракатни бажаради.

Орқага эгилиб - усул бўлиб, бунда курашчи гавдасини орқага эгиб, кейин орқага йиқилади.

Айланиб - усул бўлиб, бунда курашчи гавдасини вертикал ўқ бўйлаб айлантириб, кейин йиқилади.

Зарба билан - усул бўлиб, бунда курашчи рақибни гиламдан кўтариб, уни бўйи ўқи атрофида айлантиради.

Ўтириб - усул булиб, бунда курашчи гиламга ўтиради, рақибга оёғини тираб, кейин орқаси билан думалаб, уни ўзини устидан ошириб ташлайди.

Қайириб - усул бўлиб, бунда курашчи рақибни гиламдан кўтариб, бўй ўқи атрофида айлантиради.

Курашчининг партердаги асосий ҳаракатлари Ўгиришлар

Қайириб - курашчининг ҳаракати бўлиб, рақибни унинг бўйи ўқи атрофида буриш ва гиламга орқаси билан ўгиришга ёрдам беради.

Югурниб - ҳаракат бўлиб, унинг натижасида курашчи рақиб боши атрофида навбатма-навбат қадам ташлаб ҳаракатланиб уни гиламга орқаси билан ўгиради.

Устидан ўтиб - ҳаракат бўлиб, унинг натижасида курашчи, рақибни кулидан ёки оёғидан ушлаб олиб, унинг устидан ҳаракатланиб, уни гиламга орқаси билан ўгиради.

Юмалатиб - ҳаракатлар бўлиб, уларни бажариш пайтида курашчи, рақибни орқадан ушлаб олиб ва “кўприк” ҳолатига ўтиб, уни ўзининг устидан, олдидан ошириб, ўз боши томонга ўгиради.

Орқага эгилиб - ҳаракат бўлиб, унинг натижасида курашчи, “кўприк” ҳолатига туриб, рақибни гиламга орқаси билан ўгиради.

Устидан юмалатиб - ҳаракат бўлиб, унинг натижасида курашчи рақибни олдинга бошдан ошириб гиламга орқаси билан ўгиради.

Ёзилиб - ҳаракат бўлиб, унинг натижасида курашчи рақибни гавдасини ёзилтириб ва олдиндан оёқларни ўраб ёки илиб олиб, уни гиламга орқаси билан ўгиради.

Оғриқ берувчи усуллар

Ёзилиб - курашчининг ҳаракати бўлиб, унда рақибнинг те-кис узатилган оёқ-қўлларига оғриқ берувчи усул қўлланилади.

Қайириб - курашчининг ҳаракати бўлиб, унда рақибнинг букилган оёқ-қўлларига (унинг бирини иккинчиси атрофида айлантириш) оғриқ берувчи усул қўлланилади.

Қисиб олиб - курашчининг рақиб ахил пайллари ёки болдир мушагини эзиш билан боғлиқ бўлган ва оғриқни сезишга олиб келадиган ҳаракати.

Бўғувчи усуллар

Сиқиб олиб - курашчининг рақиб бўйини билаги ёрдамида сиқиб туриш билан боғлиқ бўлган ва бўғилишга олиб келадиган ҳаракати.

Тортиб - курашчининг рақиб кимоноси ёқасидан ушлаб олиб, унинг бўйини сиқиши билан боғлиқ бўлган ва бўғилишга олиб келадиган ҳаракати.

Усуллар элементлари

Ушлаб олишлар - қўллар ва оёклар билан бажариладиган ҳаракатлар, улар ёрдамида курашчи ҳужум ёки ҳимояланишларни амалга ошириш мақсадида рақиб гавдасининг қандайдир бир қисмини ушлаб туриши мумкин.

Номдош бўлмаган қўл (оёқ) дан ушлаб олиш- курашчининг ўнг (чап) қўли ёки оёги билан рақибнинг чап (ўнг) қўли ёки оёғидан ушлаб олиш.

Номдош қўл (оёқ) дан ушлаб олиш - курашчининг ўнг (чап) қўли ёки оёғи билан рақибнинг ўнг (чап) қўли ёки оёғидан ушлаб олиш.

Олдиндаги қўл (оёқ)дан ушлаб олиш - партерда рақибнинг ҳужум қилувчига якин турган қўли (оёғи)дан ушлаб олиш.

Узокдаги қўл (оёқ) дан ушлаб олиш - партерда рақибнинг ҳужум қилувчидан узоқ турган қўли (оёғи)дан ушлаб олиш.

Қўл тагидан бўйинни ушлаб олиш - бунда ўнг қўлни рақибнинг ўнг қўли тагидан ўтказиб, бўйин устида чап қўл билан бирлаштириш ёки, аксинча, шу ҳаракатни чап қўл билан бажариш.

Қўлтиклар тагидан бўйинни ушлаб олиш - (партерда орқадан-ёндан) иккала қўлни рақибнинг мос қўллари тагидан ўтказиб, уларни бўйин устида бирлаштирган ҳолда ушлаб олиш.

Ричаг шаклида ушлаб олиш - номдош бўлмаган қўл тагидан қўлни ушлаб олиб, юқоридан рақиб бўйини ушлаш.

Чалиштирилган қўллар билан ушлаб олиш - рақибнинг гавда қисми ёки кийимидан чалиштирилган қўллар билан ушлаб олиш.

Чалиштирилган болдиридан ушлаб олиш - бунда рақиб оёқ-қўллари чалиштирилган ҳолатда бўлади.

Калит - ҳужум қилувчи томонидан рақибнинг мос қўлинининг тирсакдан букилган жойидан тирсак букилган жойи билан ушлаб олиш ва кул кафтини елкага қувиш.

Қайчисимон ушлаб олиш - оёклар ҳолати бўлиб, бунда улар рақиб гавдасининг қайсиидир бир жойидан икки томондан ўраб олади ва чалиштирилади.

Чалиш - рақибга гиламда ҳаракатланишга ҳалақит бериш мақсадида оёкнинг орқа ёки ён қисмини унинг битта ёки иккита оёғи тагига қўйиб тўсиш.

Қоқиши - оёқ кафтининг таг қисми билан рақиб оёғидан уриб тушириш.

Илиш - тиззаларидан букилган оёқ билан рақиб оёғини ушлаб туриш ёки четга туртиш.

Чирмаш - рақиб оёгини шунга мос оёк билан болдир ва оёқ кафти ёрдамида илиб олган ҳолда ушлаб туриш ёки четга туртиш.

Олдиндан илиб отиш - хужум қилувчининг оёқнинг ички қисми (асосан сон) билан олдиндан ёки олдиндан-ёндан рақиб оёғи ёки оёқларини орқага-юқорига итариб юбориш.

Орқадан илиб отиш - тиззалардан букилган жой билан (орқадан) рақибнинг тиззалари букилган жойга уриб, кўтариб ташлаш.

Кўтариб юбориш - рақибни сон (болдир) билан ўз олдидан юқорига кўтариб юбориш.

Қайчилар - рақиб гавдаси устидан оёқларнинг қарши ҳаракатлари ва бир вақтнинг ўзида икки томондан унинг гавдасининг қайсиdir бир қисмiga таъсир кўрсатиш.

Курашчининг тактик ҳаракатлари

Спорт кураши тактикаси - бу беллашувлар ва мусобақаларда юзага келган муайян вазиятларда рақиб хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда техник ирода ва жисмоний имкониятлардан моҳирона фойдаланишdir.

Хужум учун тайёргарлик ҳаракатлари - бу хужум ҳаракатини бажариш учун зарур бўлган рақибнинг кутилаётган ва ҳимояланиш ҳаракатини келтириб чиқариш мақсадида бажариладиган курашчининг хужум ҳаракатлариidir.

Тактик тайёргарлик усуллари - курашчи ҳаракатлари бўлиб, улар ёрдамида у хужум ёки қарши хужум учун қулай шароитларни яратади.

Разведка - курашчининг рақиб тўғрисида маълумот олишга қаратилган тактик ҳаракатлариidir.

Ниятни яшириш - курашчининг тактик ҳаракати бўлиб, унинг ёрдамида у рақибдан ўзининг асл ниятларини яширади.

Хафв солиш - курашчининг рақибни ҳимояланишга ўтишга мажбур килувчи тактик ҳаракатidiir.

Алдамчи ҳаракат (алдаш) - хужум қилувчи томонидан охирiga етказilmайдигan ва рақибни ҳимояланишга мажbur қilадigан usуллар, қarshi usуллар, uшlab oлишлар, силташлар, туртишлар va бошқa ҳaракатлар.

Кўшалоқ алдаш - курашчининг тактик ҳаракати бўлиб, ҳaқиқий usулни рақибga алдамчи usул сифатida kўrsatadi.

Чорлаш - курашчининг тактик ҳаракати бўлиб, шу орқали у рақибни фаол ҳаракатларга ўтишга мажbur қiladi.

Тескари чорлаш - курашчининг тактик ҳаракати унинг фаол ҳаракатларни тўхтатиб, рақибни ҳам шундай ҳаракатларга чорлаш мақсадида амалга оширадиган ҳаракати.

Чеклаб қўйиши - курашчининг рақиб ҳаракатлари эркинлигини чеклаб қўядиган тактик ҳаракатlari.

Такрорий хужум - бир хил ҳаракатларни кетма-кет бажаришдан иборат бўлган тактик ҳаракат. Ушбу кетма-кет уюштирилган ҳаракатлар ичida фақат охиргиси ҳал этувчи, қолганлари эса алдамчи ҳаракат ҳисобланади.

Мувозанатдан чиқариш - курашчининг тактик ҳаракати бўлиб, у рақибни номустаҳкам ҳолатни эгаллашга мажбур қилиш билан бирга курашчига хужумни бажариш учун қулай вазиятни яратади.

Усуллар комбинациялари - усуллар уйғунлиги бўлиб, бунда бошланғич усуллар кейингиларини бажариш учун қулай динамик вазият яратади.

Юқорида санаб ўтилган тушунчалар ва атамалар спорт кураши назарияси ҳамда усулиятида кенг қўлланилади. Таклиф этилаётган атамалар ўзгармас ва қатъий эмас. У кейинчалик, шубҳасиз, спорт фанининг ривожланиши ҳамда янги талабларига мувофиқ қисман ўзgartириб турилиши мумкин

Спорт- қисқа маънода шахсий мусобақа фаолияти дейилса, кенг маънода шахсий мусобақа фаолияти, шу фаолият асосидан келиб чиқадиган маҳсус тайёргарлик ҳамда унинг норма ва ютуқлари тушунилади.

Спорт тайёргарлиги тизими – билимлар, воситалар, услублар, шакллар ва шу муҳитда ташкил қилиш билан спортчини энг яхши даражада тайёрлашни таъминлаш, шунингдек спортчини тайёрлашни амалий фаолиятидир.

Спорт мактаби – спортчиларни тайёрлашни ягона тизими бўлиб, бир гуруғ мутахасисларни ижобий изланишга асосланади.

Спорт натижалари – спортдаги сон ва сифат даражасини кўрсаткичидир.

Спортчини таснифи – спортчини барқарор таснифи бўлиб, маълум вақт ичида ёки спорт мусобақаларида қатнашишини умумлашган якунидир.

Тарбия – аниқ мақсад асосида шахсда ижобий хислатларни шакллантиришга қаратилган фаолият.

Тарбия воситалари – тарбия жараёнини ташкил этиш ва бошқа турли вазифаларни бажариш учун белгиланган моддий, маънавий, маданий обьект ва предметлар йиғиндисидир.

Тарбия методлари – тарбияланувчини ҳаётини, фаолиятини, муомала ва муносабатини ташкил этиш, ҳулқи ва фаолиятини тартибга солиш учун педагогик мақсадга мувофиқ ижтимоий шартланган усуллардир.

Тарбия принциплари – тарбия жараёнининг мазмуни, методлари ва воситаларига қўйиладиган талаблар.

Тарбия усуллари – тарбия методининг бир қисми бўлиб, алоҳида таъсир, муайян ўзgartиришни ўз ичига олади.

Тарбия шакллари – тарбиячи ва тарбияланувчининг биргаликда, белгиланган тартибда амалга оширадиган фаолиятининг ташқи кўринишидир.